

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
“Ҳимояга қўйилади”
Кафедра мудири, и.ф.д., профессор
_____ Уразов К.Б.
“___” _____ 2017
Баённома №___ “___” _____ 2017

МИСИРОВ ФУРҚАТ ФАРХОДОВИЧ

**“ПАРРАНДАЧИЛИК ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАХСУЛОТ ТАННАРХИ
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”
 (“Оҳалик – Ломман-Парранда” АЖ “Жавлон Аудит –Сервис”
аудиторлик ташкилоти материаллари мисолида)**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий рахбар: и.ф.н., доц. Д.Р. Рофеев

САМАРҚАНД - 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

1-БОБ. ПАРРАНДАЧИЛИК ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи кўрсаткичлари аудитининг объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи
- 1.2. Паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи аудитининг мақсади, вазифалари, ахборот манбалари ва ташкилий таъминоти
- 1.3 Харажатлар ва маҳсулот таннархи аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузиш

2-БОБ. ПАРРАНДАЧИЛИК ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

- 2.1. Паррандачилик ишлаб чиқариш харажатлари ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисоби ҳолатини текшириш
- 2.2. Паррандачилик ишлаб чиқариш харажатлари аудиторлик текширув тартиби
- 2.3. Паррандачилик ишлаб чиқариш харажатлари аудитини такомиллаштириш

3-БОБ. ПАРРАНДАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАННАРХИ АУДИТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

- 3.1. Паррандачилик маҳсулотлари таннархи аудити
- 3.2. Паррандачилик маҳсулотлари таннархи аудитини такомиллаштириш
- 3.3. АЖ “AGALIK LOHMANN PARRANDA” ҚҚсида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ишончли маълумотларга эга бўлишнинг асосий қуроли бу аудитдир. Мамлакатимизда, мустақил давлат сифатида олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда, хўжалик юритувчи субъектлар техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва уни куламини кенгайтириш ўзига хос ричак вазифасини ўтамоқда. Шу хусусида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ушбу фикрини эслатиб ўтиш ўринлидир: «2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодийтимиз ва унинг этакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор. Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади. Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун йўналтиришга тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқилий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган маърузасида белгиланган вазифалар бевосита молиявий ҳисобот ва статистика тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг маърузаларини ўрганиш асосида молия, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ҳисобот ва статистика фанлари ва ушбу соҳа ходимлари олдида бевосита бизнинг функционал мажбуриятларимизга кирадиган қуйидаги вазифалар юклатилганлигини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчи навбатда импортни, харажатлар ва таннархни камайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш вазифаси қўйилган. “Бу борада мен “отвёртка билан машина йиғиш” эмас, балки асосий ва ёрдамчи тармоқларни барқарор ривожлантириш, ортиқча харажатлар ва таннархни

камайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва импортни қисқартиришни назарда тутаяпман”¹

Корхона аудити назоратнинг бир шакли сифатида бозор мунособатларига асосланган тизимга мос келади. Корхонанинг турли халқаро ташкилотларда фаол қатнашиши, жаҳон иқтисодиёт ҳамжамиятига қўшилиши жараёнида иқтисодий кўрсаткичларни хорижий мезонларга таққосланиши аудитнинг услубий тамойилларини жаҳон амалиётида қабул қилинган стандартлар талабига жавоб беришини таъминлашни талаб этмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик олимлар Андреев В.Д., Безруких П.С., Друрий К., Керимов В.Э., Новиченко П.П., Палий В.Ф., Пизенгольц М.З., Подольский В.Д., Соколов Я.В., Хахонова Н.Н., Шеремет.А.Д., Энтони Р. ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг назарий ва амалий томонлари Азларов Д.Х., Бобожонов О., Жуманиёзов К., Уразов К.Б., Тулаходжаева М.М., Дусмуратов Р., Пардаев А.Х., Тошназаров С.Н., Мусаев Х.Н., Илхомов Ш.И., Хасанов Б.А. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Юқорида қайд этилган хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг назарий асослари, иқтисодий мазмуни, бухгалтерия ҳисоби ва аудити масалалари тўғрисида қатор илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалик тармоғида, жумладан паррандачилик субъектларида бу мавзунинг тадқиқ этишга бағишланган яхлит махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Ушбу мавзунинг долзарблиги ва иқтисодий адабиётда чуқур тадқиқ этилмаганлиги уни алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Магистрлик диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Магистрлик диссертациясининг мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг илмий-тадқиқот режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган паррандачилик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш аудитининг ташкилий, ахборот ва методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Илмий иш олдида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ Сўзи. 2017 йил 15 январ.

- харажатлар ва маҳсулот таннархини аудитни ташкил қилишнинг аҳамияти ва зарурлигини тадқиқ қилиш;
- харажатлар ва маҳсулот таннархини аудитни ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини ёритиб бериш;
- харажатлар ва маҳсулот таннархини аудитнинг ҳисоботи ва ишчи дастурини тузишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;
- харажатлар ва маҳсулот таннархини акциядорлик жамиятларида аудитни ташкил қилишнинг услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш;
- харажатлар ва маҳсулот таннархини назорат ва аудитни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти. Самарқанд вилоятидаги паррандачилик корхоналари, шу жумладан, Самарқанд туманидаги АЖ “AGALIK LOHMANN PARRANDA” ҚҚда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляцияси аудити тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Паррандачилик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляцияси жараёнларида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- паррандачилик тармоғининг асосий хусусиятлари;
- паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи кўрсаткичлари аудитининг объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи;
- паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи аудитининг мақсади, вазифалари, ахборот манбалари ва ташкилий таъминотини белгилаш;
- паррандачилик харажатлари аудит режаси ва дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш кетма-кетлигини кўрсатиш;
- паррандачилик харажатлари аудити услубиятини такомиллаштириш;
- паррандачилик маҳсулотлари таннархи аудитини ёритиш;
- паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи аудити якуни бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий ишнинг янгилиги. Магистрлик диссертациясини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги илмий янгиликлар ишлаб чиқилди:

- паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи кўрсаткичлари аудитининг объекти сифатида ўзига хос хусусиятлари очиб берилди;
- паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи кўрсаткичлари аудитининг ахборот манбалари ва ташкилий таъминотида аниқлик киритилди;
- паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи аудитининг режаси ва дастури аниқлаштирилди;
- паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи аудиторлик текшириш тартиби кетма-кетлиги белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илмий изланишлар асосида олинган илмий хулосалар ва амалий тавсиялар мамлакатимиздаги

паррандачилик корхонларида харажатлар ва маҳсулот таннархи аудитини чуқурроқ тадқиқ этишга бағишланиб келажакдаги илмий тадқиқот ишларида манба сифатида қўлланилиши мумкин. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса шундан иборатки, тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар ва ишлаб чиқилган илмий таклифлардан паррандачилик корхоналарида харажатлар ва маҳсулот таннархи аудитига бағишланган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда амалдаги улар аудитини яна такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Лик Бундан ташқари тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида “Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари” фани мазмунини янада бойитишда уларни мукаммаллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг синондан ўтганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 2016-2017 йилларда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинди ва уларнинг натижалари ижобий баҳоланди.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари 2 та илмий мақолада: “Паррандачилик ишлаб чиқариш харажатлари аудиторлик текширув тартиби” (СамИСИ, 2016 йил), “паррандачилик субъектларида маҳсулот таннархи калькуляцияси аудити” (СамИСИ, 2017 йил).

Магистрлик диссертациясининг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг жами ҳажми 80 бет, матнда 1 та диаграмма, 5 та расм, 10 та жадвал ва 1 та чизма келтирилган. Диссертация ишининг охирида тадқиқотлар олиб борилган АЖ “AGALIK LOHMANN PARRANDA” ҚҚ ҳамда МЧЖ “AFROSIYOV AUDIT STANDART” аудиторлик ташкилоти амалий материаллари, тадқиқотчининг аудиторлик текширувларига оид айрим хусусий ишланмалари келтирилган.

1-бoб. ПАРРАНДАЧИЛИК ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи кўрсаткичлари аудитининг объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи

Ишлаб чиқариш харажатлари аудитини ўтказишни қийин саволларини кўриб чиқиш пайтида иқтисодий-ҳуқуқий категория сифатида таннархни иқтисодий моҳиятини умумий қоидаларини аниқлаш зарурати вужудга келади.

Ҳар қандай корхонада хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган вақтда табиий тарзда хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, ишчиларга иш ҳақи тўланиши, уларга ягона ижтимоий тўлов ажратилирши, амортизация ҳисобланиши ва яна бир қанча харажатлар амалга оширилади. Муомала жараёни ёрдамида бу харажатлар доимо корхонани маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олган тушумидан (даромадидан) қопланади, бу эса ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлайди. Корхона бўйича ҳамма харажатлар суммаларини ҳисоблаш учун уларни ягона маҳражга келтириш лозим, яъни пулда ифодалаш лозим. Шундай кўрсаткич бўлиб таннарх ҳисобланади.

Харажатлар таркиби тўғрисида Низомга мувофиқ: маҳсулот (ишлар, хизмат)лар таннархи бу маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари ва бошқа харажатларни қийматини баҳоланишидир.

Ҳар қандай корхона ўзини фаолиятини бошлашдан олдин қанча фойда олишини аниқлайди. Корхона фойдаси асосан маҳсулот нархи ва уни ишлаб чиқаришига қилинган харажатларга боғлиқ бўлади. Маҳсулот нархи эса талаб ва таклифга биноан белгиланади. Бозор нарх шаклланиши қонунлари таъсири остида, эркин рақобат шароитида, маҳсулот нархи ишлаб чиқарувчини ёки харидорни хоҳишига қараб баланд ёки паст бўлолмайди – у автоматик ҳолда тенглашади. Бошқа масала бу маҳсулот таннархини шакллантирувчи - харажатлардир. Улар ишлатилаётган меҳнат ва моддий ресурсларни ҳажми, техника даражаси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, ошиши ёки камайиши мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатлари деганда ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида ишлатилган ресурсларни таннархи тушунилади. Ушбу таърифда қуйидаги калитли атамалар борлигини кўрсатади: таннарх тушунчаси, ресурслар, ишлаб чиқариш жараёнлари, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш. «Таннарх» атамаси нисбатан янги бўлиб, Рудановский А.П., Тер-Давидов М.П., асарларида 1912 йилда пайдо бўлган. Унга «ўзини қиймати», «ишлаб чиқариш қиймати», «ҳақиқий қиймат», «ҳақиқий нарх» деб ёзганлар. Бу синонимлар керакли сўзни икки маънодан иборатлигини аниқлади:

1. Барча тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) учун кетган харажатларни;

2. Бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат)га тушадиган харажатларни.

Айрим адабиётларда ресурсни захира деб эътироф этишади. (Масалан, Ожегов С.И.ни луғатида). Бухгалтерия ҳисобида ресурслар – бу активлар (келгуси давр харажатларини айриб ташлаб). Иқтисодий маъносидан келиб чиқиб ресурслар уч турга бўлинади: моддий, меҳнат ва молиявий. Замонавий бухгалтерия ҳисоби тизимида меҳнат ресурслари активлар таркибига киритилмайди, моддий ва молиявий ресурслар эса корхонага потенциал фойда (иқтисодий наф) келтирувчи ҳисобланади.

Шундай қилиб, таннарх таркибида корхонанинг барча харажатлари киради ва айнан улар уни миқдорини белгилайди.

Ишлаб чиқариш жараёнида активларни ресурслар шаклидан аввал ишлаб чиқариш жараёни вақтида активлар ресурс сифатида уларни ҳисобдан чиқариш натижасида аввал ишлаб чиқариш харажатларига, кейинчалик тайёр маҳсулотга айланади. Тайёр маҳсулот сотилганда ресурслар (активлар) таркибида ўзгариш вужудга келади, чунки товарлар сотилганда, корхона уларни сотиш таннархи бўйича харажат қилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни тегишли моддалар бўйича ўз вақтида ва тўғри акс эттириш;
- Фойдаланилган ишлаб чиқариш ресурсларни оператив назорати бўйича ахборот тайёрлаш ҳамда уларни тегишли норма, нормативлар ва сметалар билан таққослаш;
- Маҳсулот таннархини пасайтириш резервларини аниқлаш, унумсиз харажатлар ва нобудгарчиликлар олдини олиш;
- Корхона таркибий тузилмалари бўйича ички хўжалик ишлаб чиқариш натижаларини аниқлаш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қуйидаги тамойилларга риоя қилган ҳолда ташкил қилиниши лозим:

- Харажатлар ҳисоби кўрсаткичларини режа кўрсаткичлари билан таққослаш;
- Барча ҳисобот даври маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини уни таннархига қўшилганлиги;
- Харажатларни ишлаб чиқариш бўлимлари, маҳсулот турлари, элементлари ва харажат моддалари бўйича акс эттириш ва гуруҳлаш;
- Харажат объектларини калькуляция объектлари билан мувофиқлиги;
- Ишлаб чиқариш харажатларини мавжуд нормалар ва улардан четланишларни алоҳида-алоҳида акс эттирилганлигини таъминлаш;
- Маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри олиб бориладиган харажатлар таркибини кенгайтириш;

- Харажатлар ҳисоби методологияси ва ташкил этилишини халқаро стандартларга максимал яқинлаштириш.

Ушбу тақдим этилган вазифалардан келиб чиқиб, корхона энг муҳим шартлардан бирига риоя қилиши лозим, айнан: ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини маҳсулот (ишлар, хизмат)ни алоҳида турлари бўйича аниқ амалга ошириш; умум қабул қилинган таснифлашга риоя қилиш. Ушбу таснифлашни асосига қуйидаги белгилар қўйилган (1-чизма):

Т/р	Харажатлар таснифи
1	Жавобгарлик марказлари
2	Харажатлар марказлари
3	Айрим харажатларни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги
4	Технологик жараёнга муносабати
5	Харажат турлари
6	Харажатларни даврийлиги
7	Ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни
8	Солиққа тортишга муносабати
9	Фойдалилик

1-чизма. Ишлаб чиқариш харажатларнинг умум қабул қилинган таснифи

Маҳсулот таннархи ушбу маҳсулот қийматининг пул шаклидаги қисми бўлиб, моддий, меҳнат ва бошқа сарф-харажатлардан иборат бўлади.

Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, корхонага маҳсулот тайёрлаш қанчага тушганини кўрсатади. Таннарх кўрсаткичи сотиш нархларини белгилаш, маҳсулотлар рентабеллигини ҳисоб-китоб қилиш, харажатларни пасайтириш резервларини аниқлаш учун ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини камайтириш муҳим аҳамият касб этади, чунки рақобатчилик муҳитида маҳсулотга талаб ва унинг сифатигина эмас, балки анчагина қисмини таннарх ташкил этадиган унинг нархи ҳам муҳимдир.

Бошқарувни такомиллаштириш ва харажатларнинг тўғри ва ўз вақтидаги бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, шунингдек моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан қаттиқ назоратни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган харажатлар ва талафотларни ҳар томонлама камайтириш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг энг муҳим йўлларида бири ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишда қуйидаги асосий тамойиллар қўйилган:

- бухгалтерия ҳисобида харажатларни иқтисодий жиҳатлари ва моддалри бўйича, маҳсулот турлари ва корхона бўлинмалари бўйича гуруҳлаштириш;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг таннархини калькуляциялашга доир харажатлар ҳисобининг қабул қилинган услубияти йил давомида ўзгармаслиги;

- харажатлар ҳисоби объектларини маҳсулот таннархини калькуляция қилиш объектлари билан мувофиқлаштириш;

- даромадлар ва харажатларни ҳисобот даврларига тўғри киритиш;

- ҳисобда ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари ва капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатларни ажратиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тўғрисидаги ахборотни шакллантиришнинг ягона тамойилларини таъминлаш учун давлат томонидан маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, даромад ва харажатларни гуруҳларга ажратиш, корхоналар фаолияти тури, мулкчилик шакли ва идоравий буйсунишидан қатъи назар уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг умумий тартиби белгиланган.

Ана шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» низом ишлаб чиқилди.

Низомда молиявий натижаларни шакллантириш услубияти белгиланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий –хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати, шунингдек корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик юритиш фаолияти натижасида олинadиган даромадлар рўйхати келтирилган.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини мақсадга мувофиқ ташкил этиш бу харажатларнинг аниқ ва асосланган таснифланишини талаб этади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ барча харажатлар қўйидагича гуруҳланади (2-чизма):

Т/Р	Харажатлар гуруҳлари
1	маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар
2	ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинadиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар
3	хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари
4	фавкулудда зарарлар, у даромаддан олинadиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган харажатлар

2-чизма. Харажатларни гуруҳланиши

Шу сабабли харажатлар моддаларининг гуруҳланиши кўйидагича кўринишда бўлади (3-чизма).

Т/Р	Харажатлар гуруҳлари	Харажатлар моддалари
1	Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	бевосита ва билвосита моддий харажатлар
		бевосита ва билвосита меҳнат сарфлари
		бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар
2	Давр харажатлари	сотиш харажатлари
		бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар)
		бошқа операцион харажатлар ва зарарлар
		келгусида солиқ солиш базасидан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари
3	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	фоизлар бўйича харажатлар
		хорижий валюта билан операция бўйича манфий курс тафовутлари
		қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш
		молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар
4.	Фойда солиғини тўлаш учун фойда ёки зарарни ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинadиган фавкулдда зарарлар	Фавкулдда зарарлар

3-чизма. Харажатлар моддаларининг гуруҳланиши.

Бошқарув ҳисобида харажатларнинг кўйидаги таснифдан фойдаланилади (4-чизма).

Т/р	Харажатлар белгиси	Харажатлар номлари
1	Иқтисодий мазмунига қараб	Моддий харажатлар
		Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлар
		Асосий воситалар амортизацияси
		Бошқа харажатлар
2	Калькуляция моддалари бўйича	Тармоқлар меъёрий хужжатларига мувофиқ
3	Турлилиқ даражасига қараб	Бир элементли
		Комплексли
4	Таннархга қўшиш усулига қараб	Бевосита (тўғри)
		Билвосита (эгри)

5	Технологик жараёнга қараб	Асосий
		Устама
6	Харажатни келиб чиқиш соҳасига қараб	Ишлаб чиқариш
		Ноишлаб чиқариш
7	Режани қамраб олиш даражасига қараб	Режалаштирилган
		Режалаштирилмаган
8	Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан	Ўзгарувчан харажатлар
		Шартли ўзгарувчан харажатлар
9	Харажатларни бошқариш даражасига қараб	Бошқариладиган
		Қайтарилмайдиган

4-чизма. Бошқарув мақсадларига қараб харажатларнинг таснифи

Қуйида 4-чизмада келтирилган харажатлар таснифининг айримларига изоҳ.

Маҳсулот таннархига қўшилиш усулига қараб ишлаб чиқариш харажатлари икки гуруҳга: бевосита (тўғри) харажатлар ва билвосита (эгри) харажатларга бўлинади.

Бевосита (тўғри) харажатлар бирламчи ҳужжатларга асосан маълум бир маҳсулот турининг ёки ишнинг таннархига киритилиши мумкин бўлган ва уларни яратиш ёки бажариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади.

Бевосита (тўғри) харажатлар бирламчи ҳужжатиларга асосан маълум бир маҳсулот турининг ёки ишнинг таннархига киритилиши мумкин бўлган ва уларни яратиш ёки бажариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади.

Билвосита харажатлар – бир еча хил маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ (электр қуввати, сув, буғ ва ҳоказолар сарфи), шунинг учун улар азкур маҳсулот турлари ўртасида тақсимотнинг аниқ базаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдорига боғлиқлик даражасига қараб харажатлар икки гуруҳга: ўзгарувчан ва шартли-доимий харажатларга бўлинади.

Ўзгарувчан харажатлар - миқдори, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми динамикасига мутаносиб равишда ўзгарувчи харажатлар ҳисобланади. Буларга хом ашёга ва асосий материалларга, асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар иш ҳақи, бу иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмалар ва ҳоказо харажатлар киради.

Шартли-доимий харажатлар – ҳажми ҳар доим бир хилда бўлиб қоладиган ёки чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори ўсиши ёки камайиши билан катта аҳамият касб эмайдиган даражада ўзгарадиган (амортизация, ижара тўлови ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича бошқа) харажатлардир. Бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маълум

даражасигача ишлаб чиқариш цехлари бошқарув ходимлари иш ҳақи ва бошқа харажатлар ўзгармас бўлиб қолади, аммо ишлаб чиқаришнинг кўпроқ ошиши янги дастгоҳлар сотиб олишни, янги цехларни ишга тушуришни талаб этади, бу эса уларни бошқариш харажатларини ошириш.

Шартли-доимий харажатлар мутлақ миқдор бўйича нисбатан ўзгармай қолиб, ишлаб чиқариш ўсганда таннархни пасайтиришнинг муҳим омилига айланади, чунки бунда уларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган миқдори камаяди.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қараб бир элементдан иборат бўлган (материаллар, иш ҳақи ва ҳоказо) бир турдаги (бир элементли) ва бир неча элементдан иборат бўлган (умумишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва ҳоказо) комплекс бўлиши мумкин.

Чорвачилик деҳқончилик сингари қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ олдида турган бош вазифа аҳолини гўшт, сут, тухум, балиқ ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарини чорвачиликдан олинадиган хом ашё ва материаллар билан таъминлаш ҳисобланади.

Чорвачилик тармоғи ўз ичига қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, пиллачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик ва бошқаларни олади. Чорвачиликнинг ҳар бир тармоғи, ўз навбатида, турли гуруҳларга бўлинади. Чунончи, республикамизда кенг тарқалган чорвачиликнинг алоҳида тармоқлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади (1-жадвал)².

1-жадвал

Чорвачилик тармоқлари ва уларда харажат объектлари

Тармоқлар	Харажат объектлари
1. Қорамолчилик	1. Сут йуналишида: - асосий пода - ёш ва боқувдаги моллар 2. Гўшт йуналишида - асосий пода ва саккиз ойгача бўлган моллар - саккиз ойдан катта буқалар ва боқувдаги моллар
2. Қўйчилик	Гўшт йуналишида - асосий пода ва саккиз ойгача бўлган қўйлар - саккиз ойдан катта қўчқорлар ва боқувдаги қўйлар
3. Чўчқачилик	1. Асосий пода 2. Икки ойдан тўрт ойликкача бўлган чўчқалар 3. Тўрт ойликдан катта чўчқалар
4. Паррандачилик	1. Тухум йуналишида

²Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011. Б-182

Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатларини худди деҳқончилик ишлаб чиқаришдагидек турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин. Чунончи, *иқтисодий мазмунига кўра* чорвачилик харажатлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

**моддий харажатлар* – чорвачилик ишлаб чиқаришга сарфланган барча моддий харажатлари (ем-хашак, дори-армонлар, тўшаш материаллари, ёқилғи ва бошқа материаллар);

**меҳнат харажатлари* - чорвачилик ишлаб чиқариши билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақлари;

**ижтимоий суғуртага ажратмалар* – чорвачилик ишлаб чиқариши билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи фондидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма;

**амортизация* – чорвачилик ишлаб чиқаришга алоқадор асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган эскириш сўммаси;

**бошқа харажатлар* - чорвачилик ишлаб чиқаришига тегишли барча ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари.

Калькуляция моддалари бўйича чорвачилик ишлаб чиқариши харажатлари қуйидаги моддаларга ажратилган ҳолда акс эттирилади:

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратмалар;
2. Ем-хашак.
3. Дори-дармонлар.
4. Тўшаш материаллари.
5. Иш ва хизматлар.
6. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари.
7. Ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш харажатлари.
8. Суғурта тўловлари.
9. Бошқа харажатлар.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратмалар» моддасида чорва молларини ўстириш, парваришлаш, боқиш, соғиш, жунни қирқиш ва шу каби бошқа ишлар билан банд бўлган ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, меҳнат таътилларига ҳақ тўлаш ҳамда бу сўммаларга нисбатан ҳисобланган тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобга олинади. Бу харажатлар бошланғич хужжатлар асосида бевосита тегишли чорва моллари ва иш турларига ўтказилади.

«Ем-хашак» моддасида чорва молларини боқиш учун сарфланган ем-хашаклар ҳисобга олинади.

«Дори-дармонлар» моддасида чорва молларини парваришлашда сарфланган дори-дармон препаратлари харажатлари ҳисобга олинади.

«Тўшаш материаллари» моддасида чорва моллари сақланаётган жойларда моллар тагига тўшаладиган материал харажатлари киритилади.

«Иш ва хизматлар» моддасида чорвачилик фермаларига бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш характеридаги хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари акс эттирилади.

«Асосий воситаларни сақлаш харажатлари» моддасида бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Уларга бу асосий воситаларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш харажатлари, амортизацияси ажратмалари ва тузатиш харажатлари киритилади.

Асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларига асосий воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ҳақлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, ёрдамчи ишлаб чиқариш, шунингдек чет ташкилотлар хизматлари ва бошқа харажатлари киритилади.

Тузатиш харажатларига аввало, таъмирлаш устахоналарининг харажатлари киритилади.

Амортизация харажатларини асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ташкил қилади. Амортизация ажратмалари ҳар ойда алоҳида «Чорвачиликда ишлатиладиган асосий воситалар бўйича тақсимланган амортизация» аналитик счётида қайд этиб борилади. Йил охирида асосий воситаларнинг эскириш сўммаси чорва моллари гуруҳлари ва иш турлари бўйича тақсимланади ва бу махсус қайднома орқали расмийлаштирилади. «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счётида ҳисобга олинган жорий тузатиш харажатлари амортизация сўммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

«Ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш харажатлари» моддасида чорвачиликка доир умумишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилади.

«Суғурта тўловлари» моддасида чорва молларини суғурта қилиш харажатлари ҳисобга олинади.

«Бошқа харажатлар» моддасида чорвачилик ишлаб чиқаришга бевосита дахлдор, аммо юқорида кўриб чиқилган моддаларга киритилмаган харажатлар акс эттирилади.

1.2. Паррандачилик харажатлари ва маҳсулот таннархи аудитининг мақсади, вазифалари, ахборот манбалари ва ташкилий таъминоти

Ишлаб чиқариш жараёнининг асосий мақсади – ресурсларни (моддий, меҳнат ва устама харажатларни) маҳсулотга айлантиришдир. Бу ҳолатда аудитнинг асосий мақсади бўлиб ишлаб чиқариш харажатларини асосли шаклланиши ва ҳисобини тўғри олиб борилганлигини текшириш ҳисобланади, чунки охир оқибатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни якуний молиявий натижаларни даражасини тўғрилиги шунга боғлиқ бўлади. Булардан келиб чиқиб ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича фаолият бўйича харажатлар аудитининг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Бошланғич хужжатлар ва ҳисоб регистрлари маълумотларига асосан ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатларнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш.
- Ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, давр харжатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатларга доир харажатларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс еттирилганлигини аниқлаш
- Аудиторлик муолажаларини амалга ошириш учун бажарилган назорат ишлари тўғрисида маълумотлар йиғиш
- Балансинг аудиторлик текшируви мазмуни, даврийлиги ва ҳажмига таъсир этувчи назоратнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа харажатлар бўйича хўжалик операцияларини ахборот таъминоти ва манбаалари бўлиб ҳисобланади: юк хатлари, талабномалар, материаллар бўйича лимит-забор карталари, карточкалар, иш вақтини ҳисобга олиш табели, ҳисоб варақалари, 2010, 2310, 2510 ва бошқа счётлар бўйича аналитик ҳисоб регистрлари (журнал-ордерлар, қайдномалар ва бошқалар), Бош китоб, машинаграммалар ва бошқалар.

Таннархни калькуляция қилиш аудитнинг **мақсади** молиявий натижага таъсир қилувчи маҳсулот таннархи ҳисобига кирадиган ишлаб чиқариш харажатларининг шаклланганлигини асослаш ва ҳисоби тўғри юритилганлигини аниқлашдир.

Аудитни ўтказиш учун **маълумотлар манбаига**: режа, норматив ва ҳақиқий калькуляциялар; иш ҳақининг, ҳисобланган амортизацияни, ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш бўйича ҳисоб регистрлари ; 10, 10/1 журнал-ордерлари, Бош китоб ҳисобланади.

Паррандачилик субъектларида дастлабки хужжатларнинг қуйидаги махсус шакллари қўлланилади: жўжа чиқариш ва суткалик жўжаларни сақлаш далолатномаси, ёш паррандалар ҳаракатининг ҳисоб карточкаси, паррандаларни инкубация цехидаги тухумларни саралаш далолатномаси, паррандаларни қайта ишлаш ва маҳсулот чиқиши ҳақидаги ишлаб чиқариш далолатномаси ва омборхона –совутгич бўйича ҳисобот, чорва молларини сўйиш ва нобуд бўлишини ҳисобга олиш йиғма қайдномалари, корхонадаги чорва моллари ва паррандаларнинг ҳаракати ҳақидаги ҳисоботлар журнали – ордерни тўлғизишда асос бўлади. Аудит жараёнида бу маълумот манбалари ҳам тўлиқ текширилади.

Текшириш объектининг тартибга солувчи асосий ҳукукий ва меъёрий хужжатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1997-йил 1-мартдан кучга кирган (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2008-йил 1-январдан кучга кирган (ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга)
3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни. (янги тахрири) 2016-йил 13-апрел, ЎРҚ-404-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни. 2000 йил 26 май (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
5. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
6. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисоби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003йил 15-октябрьдаги 444-сон қарори билан тасдиқланган.
7. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 4-сон БХМС. Товар моддий заҳиралар . ЎРАВ томонидан 2006-йил 17-июльда 1595-сон бтлан рўйхатдан ўтказилган.
8. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтери ҳисоби миллий стандарти 19-сон БХМС. Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш. ЎРАВ томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833 - сон билан рўйхатдан ўтказилган.
9. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 21-сон БХМС. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома. ЎРАВ томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган (ўзгартиришлар билан).
10. Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида Низом. ЎРАВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан руйхаидан ўтказилган.
11. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом. ЎРАВ томонидан 20.01.2004 йилда 1297-сон билан руйхатдан ўтказилган.
12. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти 3-сон. Аудитни режалаштириш. ЎРАВ томонидан 10.11.1999 йилда 837-сон билан руйхатдан ўтказилган.
13. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти 6-сон. Аудитни ҳужжатлаштириш. ЎРАВ томонидан 03.09.1999 йилда 812-сон билан руйхатдан ўтказилган.
14. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти 13-сон. Таҳлилий амаллар. ЎРАВ томонидан 03.09.1999 й. 814-сон билан руйхатдан ўтказилган.
15. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти 14-сон. Аудиторлик танлаш. ЎРАВ томонидан 03.09.1999 й. 815-сон билан руйхатдан ўтказилган.
16. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти 31-сон. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти (бизнеси) билан

танишиш. ЎРАВ томонидан 21.06.2001 й. 1043-сон билан руйхатдан ўтказилган.

17. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти 50-сон. Аудиторлик далиллари. ЎРАВ томонидан 18.04.2002 й. 1128-сон билан руйхатдан ўтказилган.
18. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий стандарти 70-сон. Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик хулосаси. ЎРАВ томонидан 10.03.2001 й. 1016-сон билан руйхатдан ўтказилган.
19. Ушбу мавзу бўйича бошланғич ва йиғма ҳужжатлар.
20. Ушбу мавзу бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари.
21. Молиявий ҳисобот.

1.3 Харажатлар ва маҳсулот таннархи аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузиш

Аудитор аудит ўтказилиши дастлабки боскичида аудитнинг умумий режасида аудит текшируви кетма-кетлигини, олинadиган маълумотларни аниқ манбаларини, аудиторлик riskини аниқлайди. Ушбу режанинг мисоли куйидаги жадвалда келтирилган (жадвал 7).

Жадвал 7

Ишлаб чиқариш харажатлари, бошқа харажатлар ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишда аудитнинг умумий режаси.

Текширалаётган ташкилот	АЖ “AGALIK LOHMANN PARRANDA” ҚҚ
Аудит даври	12-29.02.2016
Киши – соат миқдори	120 соат
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари	Очилов У
Аудиторлик гуруҳининг таркиби	Очилов У
Режалаштирилаётган аудиторлик riskи	5%
Режалаштирилаётган жидийлик даражаси	4%

№	Режалаштирилган ишлар турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Эслатма
1	2	3	4	5
1	Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калькуляцияси ишини ташкил қилишни умумий баҳоланиши	18.02.2016	Очилов У	
2	Йиғма харажатлар ҳисобини ҳақоний шаклланиши ва асосли ташкил қилишнинг умумий баҳоланиши	18.02.2016	Очилов У	

3	Ишлаб чиқариш харажатлари ички назорат тизими ва бухгалтерия хисобини бошлангич баҳоланиши	18.02.2016	Очилов У	
4	Харажатларни махсулот таннархига асосли олиб борилганини текшириш, шу жумладан, соликка тортиш мақсадлари бўйича ҳам	19.02.2016	Очилов У	
5	Келгуси харажатлар ва туловлар резервларини тугри шаклланганлигини текшириш	19.02.2016	Очилов У	
6	Келгуси давр харажатларини шаклланиши ва махсулот таннархига қонуний олиб борилганлигини текшириш	19.02.2016	Очилов У	
7	Харажатлар хисобини калькуляция моддалари бўйича текшириш	20.02.2016	Очилов У	
8	Ишлаб чиқариш харажатларини йигма хисобини текшириш	20.02.2016	Очилов У	

Аудиторлик ташкилоти раҳбари _____ Очилов У.

Имзо

Аудиторлик гуруҳи раҳбари _____ Очилов У.

Имзо

Аудитнинг умумий ражаси ишлаб чиқиландан кейин унинг махсус дастурини тузиш фойдадан холи бўлмайди. Ушбу махсус дастур қуйидаги жадвалда келтирилган (жадвал 8).

Жадвал 8

Ишлаб чиқариш харажатлари, бошқа харажатлар ва махсулот таннархини калькуляция қилиш аудитининг дастури.

Текширалаётган ташкилот	АЖ “AGALIK LOHMANN PARRANDA” ҚҚ
Аудит даври	12-29.02.2016
Қиши – соат миқдори	120 соат
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари	Очилов У
Аудиторлик гуруҳининг таркиби	Очилов У
Режалаштирилаётган аудиторлик rischi	5%
Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси	4%

№	Аудит булимлари буйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Уткази ш даври	Бажар увчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изохла р
1	2	3	4	5	6
1	Ишлаб чиқариш материал сарфлар хисоби регистрлари маълумотларини текшириш ва уларни Бош китоб счётлари билан солиштириш	18.02.2016	Очилов У	Материаллар сарфлар буйича ишлаб чиқариш хисоботи журнал ордерлар, машинаграммалар	
2	Ишлаб чиқариш тусидаги меҳнат хақи хисоби регистрлари маълумотларини текшириш ва уларни Бош китоб счётлари билан солиштириш	18.02.2016	Очилов У	Иш хақи хисоби табели, хисоб-китоб кайдномаси, журнал-ордерлар, машинаграммалар	
3	Ишлаб-чиқаришга таълуқли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар хисоби регистрлари маълумотларини текшириш ва уларни Бош китоб счётлари билан солиштириш	18.02.2016	Очилов У	Ижтимоий сугуртага ажратмалар, хисоб-китоби, иш хақи буйича хисоб-китоб кайдномалари, журнал-ордерлар, машинаграммалар	
4	Ишлаб чиқариш мулжалланган асосий воситалар эскириши ва номодий активлар амортизацияси хисоби регистрлари маълумотларини текшириш ва	18.02.2016	Очилов У	Асосий воситалар эскиришини хисоб китоби, номодий	

	уларни Бош китоб счётлари билан солиштириш			активлар амортизациян и хисоб-китоби	
5	Ишлаб чиқариш тусидаги бошка харажатлари хисоби регистрлари маълумотларини текшириш ва уларни Бош китоб счётлари билан солиштириш	18.02.2 016	Очило в У	Бухгалтериян и хисоб-китоблари, журнал-ордерлар	
6	Давр харажатларини хисоби регистрлари маълумотларини текшириш ва уларни Бош китоб счётлари билан солиштириш	19.02.2 016	Очило в У	Шарномаллар, счёт фактуралар, талабномалар, юк хатлар, бажарилган ишлар далолатномалар ва бошқалар	
7	Молиявий фаолият буйича харажатлар хисоби регистрлари маълумотларини текшириш ва уларни Бош китоб счётлари билан солиштириш	19.02.2 016	Очило в У	Шарномаллар, фоиз туловлар жадваллари, хакикий валюта курси буйича хисоб-китоблар	
8	Ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, молиявий фаолият буйича харажатлари инвентаризацияни утказиш.	19.02.2 016	Очило в У	Инвентаризация руйхатлари, Инвентаризация далолатномалари	
9	Корхонада утказилган Ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, молиявий фаолият буйича харажатлар инвентаризация маълумотларини	19.02.2 016	Очило в У	Инвентаризация руйхатлари, материаллар сарфлар тугрисида	

	текшириш			ишлаб чикариш хисоботлари, журнал- ордерлар, машинаграмм алар	
10	Келиб тушган хом-ашё ва материаллар руйхатини тайёрлаш: а) келиб тушган хом-ашё ва материаллар буйича тузилган тугрилигини тасдиклаш	19.02.2 016	Очило в У	Шарномаллар , счёт фактуралар, юк хатлар, кабул килиш — топшириш далолатномал ар, материаллар хисоби инвентар карточкалар и, хисобрегистр лари бош китоб.	
11	Хом-ашё ва материалларни чикими, сотилиши билан боглик молиявий натижаларни шаклланиши ва соллика тортилишини тугрилигини тахлил килиш	20.02.2 016	Очило в У	Хом-ашё ва материалларн и кайд килиш китоби, соликлар буйича хисоб- китоблар	
12	Сотиб олинган хом-ашё ва материаллар буйича ККС хисобини тугрилигини текшириш	20.02.2 016	Очило в У	Соликлар буйича хисоб- китоблар, кабул килиш — топшириш далолатномал ари, юк хатлар, журнал- ордерлар,	

				Бош китоб	
13	Асосий воситаларга эскириш ва номодий активларга амортизация тугри хисобланганлигини текшириш	20.02.2 016	Очило в У	Хисоб сиёсати, асосий воситаларга эскириш, номодий активларга амортизация хисобланиш кайдномалари	
14	Амортизация ажратмаларини харажат сётларига мост тугри олиб борилганлигини текшириш	20.02.2 016	Очило в У	Амортизация ажратмаларин и таксимланиш кайдномаси, 10-сон Журнал-ордер ва бошка хисоб регистрлари	
15	Хом-ашё ва материалларни чикими (хисобдан чиқарилиши) тугрилигини текшириш	20.02.2 016	Очило в У	Шарномаллар, сёт фактуралар, юк хатлар, хисобдан чиқариш далолатномас и, материаллар хиоибини инвентар карточкалари бош китоб	

Аудиторлик ташкилоти рахбари

Имзо

Очилов У.

Аудиторлик гурухи рахбари

Имзо

Очилов У.

2-бoб. ПАРРАНДАЧИЛИК ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1. Паррандачилик ишлаб чиқариш харажатлари ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисоби ҳолатини текшириш

Аудитор ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби тизимининг ёппасига ўзгаришини амалга оширади. Лекин, ушбу мақсадни бажариш учун ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича аудитни ўтказишдан олдин ишлаб чиқариш жараёни ва харажатлар ички назоратни заиф ва ижобий томонларини баҳолаш мақсадида дастлабки тафсилотни амалга ошириши лозим. Ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият харажатлари ҳолати ички назорати операциялари тўғрисида дастлабки маълумотларни олиш учун тест ўтказилади. Қуйида тестлар бўйича мисоллар келтирилган. (1-жадвал)

1 жадвал

Ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисоби ички назорати tizimi ҳолатини текшириш тестлари

Т/Р	Тестлар йўналиши ва саволлар	Жавоблар			
		Жавоб мавжуд эмас	Ҳа	Йўқ	Изоҳ
1	2	3	4	5	6
1	Шароитлар Масъул шахслардан юкхатлар, лимит-забор карталари, талабномалар, нарядлар, табеллар, ҳисоб варвқлари бланкаларига ана кимлардир рухсати борми?				
2	Реаллиги Уста(бригадир) томонидан материалларга талабнома ва иш вақти ҳисоби карточкаси тайёрлангандан кейин тешириладими?				
3	Уста бригадир томонидан таййорланган меҳнат ақида ва ишлатилган материаллар тўғрисидаги ҳафталик ҳисоботлар текшириладими				
4	Тўлиқлик Юк хатлар лимит-забор карталар, талабномалар. Нарядлар, табеллар, ҳисоб варвқлари дастлаб рақамланадими ва у мавжуд бўлмаган ёки қалбаки ҳужжатларни аниқлашда фойдаланиладими?				
5	Жавобгарлик Махсус масъл шахслар наряд-буюртмалар, материалларга юк хатлар ва иш кучига эҳтиёж буюртмасини таййорлайдиларми?				

6	Аниқлик Материаллар берилиши, меҳнат ҳисоби ва ишлов чиқариш ҳисоботлари(қайдномалари) бўйича бошланғич ҳужатлар маълумотлари ўртасидаги фарқлар текшириладими?				
7	Норматив ҳаражатлар вақт вақти билан қайта кўриб чиқиладими?				
8	Таййор маҳсулот ҳисоботи маълумотлари ва оморга олинган маҳсулот тўғрисидаги ҳисоби маълумотлари ўртасидаги фарқ ўйибга олинадими?				
9	Таснифлаш Ҳаражатлар элементлар ва калькуляция моддалари бўйича тўғри таснифланадими?				
10	Ҳисоб Ҳаражатлар ҳисоботи ва маҳсулот таннарҳини калькуляция қилиш методи танланганми?				
11	Ҳаражатлар ҳисоби учун масъул шахслар сегментлар бўйича ҳисоб ва йиғма ҳисоб маълумотларини текширадиларми?				
12	Даврлаштириш Ҳаражатлар ҳисоби “ Фактларни вақтинчалик аниқланиши” принципига жавоб берадими?				

2-жадвал

Давр ҳаражатлари ҳисобини ташкил этишини текшириш бўйича саволнома

№	Саволлар	Жавоблар		Маълумотларни тасдиқ қилувчи ҳужжатлар номи	Изоҳ
		Ҳа	Йўқ		
1	2	3	4	5	6
1	Корхоналарда давр ҳаражатлари ҳисоби юритиладими?				
2	Давр ҳаражатлари таркиби “маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳада молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мос келади?”				
3	Корхонада давр ҳаражатлари ҳисоби бўйича ҳисоб регистрлари юритиладими				
4	Давр ҳаражатлари ҳисобининг юритилиши ҳаракатдаги қонунчиликка мос келади? А) жумладан, эски				

	счётлар режаси бўйича счётларнинг қўлланилиши бекор қилишганми?				
5	Корхонада давр харажатларини аналитик ҳисоби корхона фаолиятининг хусусиятларига мос юрителидими? Қайсилар?				
6	Корхонада сотиш харажатлари мавжудми (савдо ташкилотлари учун муомала харажатлари)				
7	Корхонада сотиш харажатлари бўйича сметага риоя қилинадими				
8	Корхонада маъмурий бошқарув ходимлари (МБХ) сони тушумига риоя қилишадими?				
9	Сотиш харажатлари таркиби “харажатлар тўғрисида”ги низомгамос келадими?				
10	МБХ бўйича корхонада рахбар томонидан тасдиқланган смета харажатлари мавжудми?				
11	Текширилаётган даврда сарфланган маъмурий харажатлар тасдиқланган сметага мос келадими?				
12	Корхона томонидан сарфланган барча давр харажатлари ўз хужжатли тасдиқини топганми?				
13	Текширилаётган даврда лимитлан ортиқ сарфланган давр харажатлари солиққа тортиладиган базани ошишига олиб келганми?				
14	Ҳаракатдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ лимитдан ортиқ сарфланган давр харажатлари солиққа тортиладиган базага қўшилганми?				

15	Хўжалик юритувчи субъектда кадрларни таййорлаш ва қайта таййорлаш бўйича харажатлар қилнадимми?				
16	Ҳисобот даврида хўжалк юритувчи субъект маслахат, маълумот, аудиторлик хизматларидан фойдаланганми?				
17	Кўрсатилган хизматлар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланганми?				
18	Компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар асосини амалга оширилганми?				
19	Хўжалик юритувчи субъект хисобот даврида ишлаб чиқаришнинг хусусияти билан боғлиқ сарфларни давр харажатларигарига олиб борганми?				
20	Хўжалик юритувчи субъект давр харажатларига олиб бориладиган бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли фондларга тўловларни ўз вақтида амалга ошириладими?				
21	Ҳисобот даврида хўжалик юритувчи субъект жарима, пеня ва неустойкалар бўйича харажатларга йўл қўядими?				
22	Давр харажатларига “харажатлар таркиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ қарорларни коплаш бўйича сарфларни ҳисобга олганми?				
23	Хўжалик юритувчи субъект томонидан капитализация билан боғлиқ бўлмаган харажатлар асосий воситаларни капиталлашуви қийматига қўшилмаганми?				
24	Хўжалик юритувчи				

	субъект давр харажатлари счёта буйича аналитик ҳисоб юритиладими?				
25	Давр харажатлари ўз вақтида ҳўжалик фаолияти натижаларига олиб бориладими?				
26	2-сон шаклда кўрсатилган давр харажатлари суммалари амалга оширилган харажатлар суммаларига мос келадими?				
27	Давр харажатлари камайтириш бўйича чоралар кўриладими?				

Тест ўтқазиш натижаларига қараб корхона маъмурияти ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этилишига қандай муносабатга эга эканлиги аниқланади. Бу эса ўтқазиладиган аудиторлик текширувларини самарадорлигини оширишга ва такомиллаштирилишига имконият яратади.

2.2. Паррандачилик ишлаб чиқариш харажатлари аудиторлик текширув тартиби

Паррандачилик харажатлари аудити аудитнинг бошқа объектлари каби ташкилий таъминоти ўз ичига 4 босқичдан иборат ишларни олади:

1. Аудитни режалаштиришга доир ишлар;
2. Аудитни ўтқазишга доир ишлар;
3. Аудит натижаларини жамлаш ва расмийлаштиришга доир ишлар;
4. Аудит натижаларини тадбиқ этишга доир ишлар.

Мавзунинг мақсадидан келиб чиқиб, харажатлар бўйича аудиторлик текшируви режаси корхона фаолияти хусусиятидан ва харажатлар кўлами ва салмоғига қараб битта умумий ёки ҳар бир харажат гуруҳи тури бўйича, яъни ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар кесимида алоҳида-алоҳида тузилиши мумкин. Ушбу режаларда ҳар бир харажатлар тури бўйича аудиторлик далилларини тўплаш усуллари, жиддийлик ва риск даражалари, аудиторлик танлови усуллари белгиланади.

Худди шундай, мавзунинг мақсадидан келиб чиқиб, харажатлар бўйича аудиторлик текшируви дастури корхона фаолияти хусусиятидан ва харажатлар кўлами ва салмоғига қараб, битта умумий ёки ҳар бир харажат гуруҳи тури бўйича, яъни ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар кесимда алоҳида-алоҳида тузилиши мумкин. Ушбу дастурда ҳар бир харажат тури бўйича бухгалтерия бошланғич ва йиғма ҳужжатларини (масъул шахсларнинг ҳисоботлари) текширишга қаратилган амаллар, уларни бажарувчи аудиторлар ва уларнинг

ёрдамчилари, амалларни бажариш натижасида шакллантириладиган иш хужжатлари белгиланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини аудиторлик текшируви аудиторлик фаолияти жараёнини энг кўп меҳнат талаб қиладиган, кўп диққат жалб қиладиган, меъёрий ва ҳукукий манбаларни охириги ўзгаришлар билан бўладиган ҳамда корхонани хўжалик фаолиятини алоҳида турлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисоблаш хусусиятларини билишни талаб қилади. Шунинг учун амалиётда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобида йўл қўйиладиган хатоларни айрим операцияларига тўхталамиз, чунки бу ҳолат хўжалик фаолияти натижаларини нотўғри кўрсатишга сабаб бўлади.

Зотан, амалиётда ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар бўйича операциялар корхона молиявий натижаларига таъсир кўрсатади. Шу сабабли аудиторлик амаллари қоида бўйича шундай олганда, улар ҳисоб тизимини ёппасига ўрганишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “ Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида “ги низомда кўрсатилган.

Аудиторлик текшируви жараёнида ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатларни тўғри ва қонуний акс эттирилганлигини аниқлаш зарур. Харажатларни текшириш вақтида маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархини тўғри ҳисобланганлигини хўжжатли тасдиқлаш лозим, чунки маҳсулот таннархи энг муҳим синтетик кўрсаткичлардан бири бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот(иш, хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида моддий ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларидан самарали фойдаланганлигини, рентабеллик, фойдалилик ва барқарорлик кўрсаткичларини баҳолаш имкониятини яратади.

Хўжжатли текширувини бошлашдан аввал аудитор хўжалик юритувчи субъектни ташкилий ва технологик хусусиятларини ўрганиши, корхона-мижозни ишлаб чиқариш фаолиятни ҳар бир турини, характерини, ихтисослашганини, кўламини ва структурасини аниқлаши зарур.

Шуни таъкидлаш лозимки, маҳсулот таннархига киритиладиган барча харажатлар ҳисоби бошланғич хужжатлар билан тасдиқланиши лозим. Бошланғич хужжатлар қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши шарт: бухгалтерия ҳисоби субъектининг номи; хужжатининг номи ва рақами, у тузилган сана, ва жой; хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва ўлчов бирликлари кўрсатилган миқдор улчови (натура ва пулда ифодаланган ҳолда). Хўжалик операциясини бажарган шахсларнинг (шахснинг) идентификация қилиш учун зарур бўлган фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ёхуд бошқа реквизитлари кўрсатилган ҳолда лавозимлари номи ва имзолари.

Шундай қилганда, шубҳали ҳолатларда бошланғич ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва харажатларни ҳисобдан чиқарганлигини асослигини аниқлаш қийин бўлмайди. Аудитор, харажатлар маҳсулот таннархига тўғри олиб борилганлигини текшириб туриб, харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қайси элементлар бўйича гуруҳланишини билиши лозим:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар(қайтариладиган чиқимлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар;

Аудитор тўғридан-тўғри маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби тўғрилигини текширишга ўтиб, қуйидаги саволларга эътибор қаратиши керак:

- харажатлар ҳисобида доимийлик тамоилига амал қилинганлигига (яъни ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калкуляция қилиш билвосита харажатлар ва давр харажатларини тақсимланишини танланган усуллари йил бошидан ўзгармаганлигига);
- корхонанинг тармоқ ва техник –иқтисодий хусусиятлари харажатлар ҳисоби бўйича танланган методга мос келишлигига;
- ҳисобот даврлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари қанчалик тўғри чегараланганлигига;
- маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобдан чиқарилиши, материал ресурсларини танланган методи ва аниқ баҳоланишига риоя қилинганлигига;
- материаллар бўйича ҳисоб баҳоларидан фарқлар асосли ҳисобдан чиқарилганлигига;
- асосий воситалар бўйича эскириш ва номоддий активлар бўйича амортизация тўғри ҳисобланганлигига;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммалари, ҳисоб ва калкуляция объектларига тақсимлаш усуллари қанчалик асосланганлигига;
- давр харажатларини харажатларга тўғри олиб борилганлигига;
- асосий воситаларни таъмирланиш, хизмат сарфлари, реклама, ахборот, консалтинг ва аудиторлик хизматлари харажатларини ҳамда вакиллик харажатларини ва бошқаларнинг ҳақиқий суммаларини

ишлаб чиқариш харажатлари таркибига олиб борилишига қонуний риоя қилинганлигига.

Муҳим саволлардан яна бири бу маҳсулот таннархига олиб борилаётган ресурсларини тўғри баҳоланишни текширишдир, чунки материаллар турли манбалардан келиб тушади., материалларни бошланғич қолдиқлари кейин харид қилинганларга қараганда бошқа нархда бўлиши мумкин. Демак, аудитор материаллар қийматини баҳолашни тўғрилигини ўрта салмоқли нарх АВЕКО ёки ФИФО баҳолаш усули (корхонанинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ) билан текширишга тўғри келади.

Шундан кейин, аудитор материаллар, хом ашё, инвентар ва хўжалик жиҳозлари сарфини ва бошқа чиқимларини технологик меёр (норматив) ларга риоя қилинганлиги текширилади. Сир эмас, кўп корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ошириш мақсадида ёки «ҳисобланмаган» тайёр маҳсулот ташкил этиш мақсадида асоссиз равишда материал харажатларни кўпайтириш ёки уларни ортиқча сарф қилишга йўл қўйилади. Бу вақтда хом ашёни сарфи синов - назорат усулини фойдаланиш ёки норма бўйича хомашё ва материаллар сарфини альтернатив балансини тузиш мумкин.

Аудиторлик текширувида ишлаб чиқариш харажатларининг яна бир моддаси “ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари” текширилади. Бу моддада асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат ҳақи харажатлари, шу жумладан ишлаб чиқаришдаги натижалари учун мукофотлар, рағбатлантирувчи ва компенсация тусидаги тўловлар хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган, лекин асосий фаолиятга жалб қилинган ишчиларни меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари гуруҳланади.

Аудитор шуни эътиборга олиши лозимки, ҳақиқий бажарилган иш учун берилган иш ҳақи ишбай раценкалар, тариф ставкалар ва лавозим маошлари асосида ҳисобланганлиги, корхона бошқарув органи томонидан тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлашни шакли ва тизимига мос келиши, бошланғич ҳужжатларга асосан тўлиқ маҳсулот таннархи ҳажмига киритилганлиги текширилади.

Аудитор меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини текшириб ишламаган вақт учун тўловларни асосли эканлигига эътибор беради. Булар: таътиллار, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ, жамоат ва давлат вазифаларини бажарганлик учун меҳнат ҳақи тўлаш ва бошқалар. Бундан ташқари меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига кирувчи тўловлар: натурал тўлов тарақасида берилган маҳсулот қиймати, турли қўшимчалар ва устамалар эътибор бериб текширилади.

Шу ўринда, таъкитлаш жоизки, аудитор томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар билан бир қаторда параллел равишда иш ҳақиға нисбатан ҳисобланиши лозим бўлган ягона ижтимоий тўловга ажратмалар ҳам текширилади.

Аудитор эътибори яна асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация ажратмалари миқдори тўғрилигига қаратилиши лозим. Жумладан, норматив муддатдан ортиқ фойдаланилган асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблаш йўқлиги текширилиши лозим.

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, асосий воситалар таъмири учун харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига киритилади ва бирданига ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан харажатларни молиялаштириш учун резерв ҳосил қилинади. Шу сабабли, асосий воситалар таъмири ва резерв тузилганлиги бўйича харажатлар ҳисоби тартибига риоя қилинганлиги таҳлил қилиниши керак.

Бундан ташқари бошқа мақсадлар учун ортиқча тузилган резервлар ҳолатлари учрайди (ишчиларни меҳнат таътили тўловлари учун, йил якуни бўйича тақдирланишлар ва бошқалар), ёки асоссиз келгуси давр харажатларини кўпайтириб кўрсатилиши, аммо уларни ўз вақтида ҳисобот даври харажатларига киритмаслиги ҳолатлари. Айрим ҳолларда, ижарага олинган асосий воситалар ремонтга сарфланган суммалар ҳисобот даври маҳсулот таннархини кўпайишига йўналтирилган бўлади. Бундай ҳолат бўлиши мумкин, агар ремонтни ижарага олувчи томонидан бажарилиши ижарага берувчи билан шартнома шартига белгиланган бўлса (лекин бу ерда шуни назарда тутиш лозимки, ижарага олинган асосий воситаларни ремонт учун харажатлар даставвал 3110 «Олдиндан тўланган оператив ижара ҳақи» счегининг дебетида олиб борилиши, кейин эса ишлаб чиқариш харажатларига ҳар ой тенг миқдорда ўтказилиши лозим).

Аудитор диққат билан умумишлаб чиқариш харажатларини таркиби ва тақсимланиш тартибини текширади. Бошланғич ҳужжатлар асосида маълум харажатлар счеглари бўйича иситиш, ёритиш, бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари, бошқарув ходимларини иш ҳақиси ва бошқаларни тўғри тақсимланишини текширади. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимланиш тартиби (ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга нисбатан пропорционал, ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақиға нисбатан, норматив ставкаларға асосан ва бошқалар) корхонанинг ҳисоб счегсати билан тасдиқланиши зарур.

Аудит жараёнида «тугалланмаган ишлаб чиқариш» кўрсаткичларини тўғрилиги ва харажатларни тайёр маҳсулотға тўғри ҳисобдан чиқарилиши ҳам текширилади. Алоҳида эътибор калькуляция бўйича фарқларни ҳисобдан чиқариш тўғрилигини аниқлаш мақсадида тузатувчи ёзувларға қаратилиши лозим. Бу ерда маҳсулот маҳсулотни сотиш пайтида уни таннархини ошириш ёки пасайтириш борасида сунъий бузилиш бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ҳолатига асосли баҳо бериш учун барча аниқланган хатоликлар ва четланишларни қайд қилиш бўйича маҳсус ишлов берувчи қайднома тузиш мақсадға мувофикдир. Ушбу қайдномада қуйидаги кўрсаткичлар назарда тутилиши лозим: операция мазмуни, ҳужжатнинг номи, тузилган санаси ва рақами, суммаси, счеглар корреспонденцияси, изоҳлар. Изоҳларда аудитор камчиликларни тузатиш бўйича хулосалар ва асосланган таклифларни ёзади.

Давр харажатларини текшириш вақтида аудитор эътиборини харажатларни тўғри классификация қилинганлигига ва харажатлар моддалари унга «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ киритилиши лозим.

Аудиторлик текширувлари тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу ҳисобот даврининг харажатларига бошқа ҳисобот даврларида содир бўлган харажатлар қўшилиши фактлари йўқ эмас. Шу сабабли шуни билиш лозимки, «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан давр харажатлари пули қачон тўланишидан қатъий назар - олдиндан тўлов (ижара ҳақи) ёки кейинчалик (ишчиларни меҳнат таътили вақтидаги тўлов ва бошқалар) қайси ҳисобот даврида содир бўлган бўлса ўша даврнинг харажатларига киритилиши лозим. Лекин яна шундай харажатлар мавжудки, уларни қайси ҳисобот даврига тааллуқли эканлигини аниқлаш қийин, масалан мавсумий тармоқларда айрим харажат турларини маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига смета-нормалашган тартибда киритилади.

Аудитор давр харажатларига киритилган вакиллик харажатларини асосланган шароитини текширади: жумладан, ҳисобот йилида корхона сметаси доирасида қонунчилик базасида белгиланган меъёр ва меъёрномалар асосида ишлаб чиқилган (яни йиллик смета харажатлари), корхона Кенгаши (бошқаруви) томонидан тасдиқланган йиллик смета харажатлари; ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар.

Солиққа солиш мақсадида меъёрдан ортиқ вакиллик харажатлари солиққа тортиладиган базага қўшилган бўлиши лозим.

Текшириш давомида аудитор яна давр харажатларига киритилган хизмат сафарлари харажатларини асосланган шароитини текширади: сафар ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқлигини; йўл харажатлари қиймати, турар жой харажатлари қиймати тасдиқланган харажатлар доирасида эканлиги. Солиққа солиш мақсадида меъёрдан ортиқ сарфланган хизмат сафари харажатлари солиққа тортиладиган корхона фойдага қўшилади.

Аудитор олдида тегишли давр харажатларини ҳисобда асосли акс эттирилганини аниқлаш туради. Бунинг учун аудитор ушбу харажатларни келиб чиқиши ва ҳажми тўғрисида гувоҳлик берувчи турли ҳужжатларни ўрганиш ҳисобланади.

Масалан, маҳсулот бермаган ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган бекор қилинган буюртмалар бўйича қилинган харажатлар сотиб олиш – сотиш, маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар билан; счетлар, тўлов топшириқлари билан; юкхатлар, бажарилган ишлар топшириш – қабул қилиш далолатномалари билан; келишувлар, хатлар, шартномаларни бекор қилиш баённомалари билан тасдиқланишлари лозим.

Консервация қилинган ишлаб чиқариш қувватларини сақлаш бўйича харажатлар ҳисоби корхона раҳбарини буйруғи бор бўлганда амалга оширилиши лозим (консервация қилинган объектлар рўйхати, консервация

сабаблари, харажатларни таркиби ва миқдори, молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолда); консервация қилинадиган қувватларни сақлаш бўйича харажатлар сметаси; харажатларни расмийлаштириш бўйича бошланғич ҳужжатлар (ҳисобланган иш ҳақи қайдномаси, тўлов топшириқномалари, қабул қилиш – топшириш далолатномалари ва бошқалар).

Мулкни талон-тарож, табиий офатлар, ёнғинлар, аварийлар ва бошқа фавқуллодда ҳолатлардан йўқотишлар тегишли далолатнома билан расмийлаштирилган бўлиб, ушбу ҳолат корхона раҳбарининг ва бошқа манфаатдор бўлмаган шахслар ва мутахассислар имзолари билан гувоҳланиши лозим (ёнғин хавфсизлиги, гидрометеорология маркази, фавқуллодда вазиятлар вазирлиги, йўл ҳаракати идоралари ва бошқалар); етказилган зарарлар тўғрисида бухгалтерияни ҳисоб-китоблари (сметалари); бузилган мулкнинг тиклаш имконияти тўғрисида эксперт хулосаси; аниқланган айбдор шахс ва у тўлаши лозим бўлган зарар тўғрисида суд қарори; ундирилган зарар суммаси бўйича тўлов топшириқномалари ва бошқалар.

Даргумон қарзлар бўйича тузилган резервлар асослиги сотиб олиш-сотиш, етказиб бериш шартномаси билан тасдиқланиши лозим; маҳсулотни жўнатилганлиги тўғрисидаги юхатлар, бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари; дебиторлик қарзлар инвентаризацияси далолатномалари; дебиторлар ва кредиторлар ўртасида тузилган ўзаро ҳисоб-китоблар далолатномалари; хўжалик ва арбитраж судининг дебитор-корхонани банкрот деб чиқарган қарори; дебитор корхонани тугатилганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан чиқарганлик ҳақидаги кўчирма; суднинг дебиторга даъводан воз кечиш ҳақидаги қарори; ИИВ органларининг дебиторни қидируви имконияти йўқлиги ҳақидаги маълумотномаси.

Аудиторлик текшируви жараёнида ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган айрим солиқлар, йиғимлар, ажратмалар, тўловлар суммасини асосли олиб борилганлиги ҳам амалга оширилади. Кўп ҳолларда корхона бухгалтерияси томонидан нотўғри счетлар корреспонденцияси берилишига йўл қўйилади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисобини тўғрилигини текшириб, аудитор барча узоқ муддатли, кечиктирилган ва муддати ўтган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар (қарзлар, вазирлик ва идоравий кредитлар, бюджетдан ташқари манбалар ва бошқалар) солиққа тортиладиган базага киритилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигида давр харажатлари ҳам амалга оширилади. Улар маҳсулотларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлмай, балки хўжаликнинг соҳалари бўйича ташкил этиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлардан иборатдир.

Бу харажатлар ҳам мақсад вазифаларига кўра, қуйидагича туркумлаштирилади:

- етиштирилган маҳсулотларни сотиш, хизматларни кўрсатиш учун қилинадиган қуйидаги харажатлар: маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар;

- маъмурий харажатлар, уларга тармоқни, корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, жумладан, бошқарув тизимларининг фаолияти, бошқарув соҳасидаги воситалар билан боғлиқ бўлган харажатлар;

- бошқа операцион харажатлар, жумладан, кадрлар тайёрлаш, лойиҳаларни тузиш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ харажатлар;

- ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Уларга барча турдаги кредитлар бўйича, мол-мулкнинг ижара ҳақи тўловлари ҳамда қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш, тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

Фавқулодда юз берадиган ҳодиса, воқеаларни қоплаш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Уларга корхоналарнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар киради. Масалан, эр қимирлаши, тинчликка хавф солувчи ҳаракатларни маълум миқдорда қоплаш харажати. Чунки улар асосан давлат ва маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқлар, корхоналар миқёсида умумий қиймат кўрсаткичлари билан биргаликда ўртача харажатлар, яъни таннарх кўрсаткичи ҳам фаолият кўрсатиши тақозо этилади. Таннарх бозор иқтисоди шароитида иқтисодий категория ҳисобланади. Унинг ёрдамида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг бир бирлиги хўжаликлар учун қанча сўмга тушганлиги аниқланади. Уларнинг даражаси қийматни ифодаловчи баҳолар даражаси билан таққосланиши натижасида олинадиган фойда ёки кўриладиган зарарлар даражаси аниқланади. Бу кўрсаткич хўжаликларнинг ички бошқарувчилари учун жуда муҳимдир.

Ҳозирги даврда маҳсулот (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади. Таннарх деганда бир бирликдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажариш учун сарфланган моддий, меҳнат, пул харажатлари назарда тутилади. Унинг мутлақ (абсолют) даражасини аниқлаш учун барча бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси шу харажатлар ёрдамида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдорига тақсимланади. Қишлоқ хўжалигида 1 с. маҳсулотнинг нархи; 1 эталон гектарнинг; 1 тонна-км нинг; 1 квт/соат электроэнергиянинг таннархи аниқланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$T_n = \frac{\sum I_x}{\sum M_m (I_m, X_m)} ;$$

Бунда: T_n – маҳсулот, иш, хизмат таннархи, сўмда;

$\sum I_x$ – ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси, сўмда;

сМм (Им, Хм) – ялпи етиштирилган маҳсулот, жами бажарилган иш, хизматлар миқдори сен., тоннада, эталон гектарда, тонна км ва бошқалар.

Етиштирилаётган маҳсулотларнинг:

- ишлаб чиқариш таннархи;
- тўлиқ таннархи, тижорат таннархи ҳам аниқланади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш усули юқорида келтирилган. Унинг тўлиқ ёки тижорат таннархи жами харажатларни (жумладан, сотиш харажатлари билан) етиштирилган ялпи маҳсулот миқдориغا ёки сотиладиган маҳсулот миқдориغا нисбати билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (ишлар ва хизматлар) нинг ҳақиқий ҳамда режа таннархлари аниқланади. Ҳақиқий таннарх даражаси йил якунидаги маълумотлар ёрдамида ҳисобланади. Режа таннархи эса нормативлар, эришилган маълумотлар асосида аниқланиб, «Бизнес режа»да акс эттирилади.

Қишлоқ хўжалигида барча харажатларни амалга ошириш натижасида турли хилдаги асосий, қўшимча ҳамда ёрдамчи маҳсулотлар олинади. Жумладан, пахтачиликда пахта хомашёси асосий маҳсулот ҳисобланса, ғўзапояси қўшимча маҳсулот саналади. Дончиликда дон асосий, сомони (пояси) қўшимча маҳсулотдир. Қорамолчиликда гўшт, сут асосий, бузоқ қўшимча, гўнг эса ёрдамчи маҳсулот ҳисобланади. Лекин тармоқдаги барча харажатлар асосий маҳсулотни етиштиришга қаратилган бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида акс эттирилган объектлар таннарх объектлари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган асосий, қўшимча ҳамда ёрдамчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархлари қуйидаги усулларда ҳисобланади:

Масалан, дончиликда қўшимча маҳсулотлар белгиланган коэффициентлар ёрдамида асосий маҳсулотларга айлантирилади. Уларни асосий маҳсулотларнинг миқдориغا қўшиб, жами ялпи дон маҳсулотининг шартли миқдори аниқланади. Шартли маҳсулот таркибидаги асосий ҳамда ёрдамчи маҳсулотларнинг шартли миқдори салмоғи аниқланади. Шундан сўнг жами ишлаб чиқариш харажатларидан шартли маҳсулот салмоғига мутаносиб равишдаги салмоғи ҳисобланиб, уларнинг умумий суммаси аниқланади. Шу аниқланган сумма асосий маҳсулот миқдориға тақсимланиб, асосий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади. Шартли ёрдамчи маҳсулот ҳиссасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатларини ёрдамчи маҳсулотнинг ҳақиқий миқдориға тақсимлаб, ёрдамчи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади.

Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ҳисоби уларнинг алоҳида моддалари бўйича гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар асосида юритилади. Чунончи:

- меҳнат харажатлари - чорва молларини парваришлаш, боқиш, соғиш ва бошқа ишларни бевосита олиб боровчи ишчилар (чўпонлар, сут соғувчилар, жун қирқивчилар ва бошқалар) томонидан бажарилган ишларга

гувоҳлик берувчи наряд, табель, сут соғиш ҳисоби журнали, ҳисоб-тўлов қайдномалари асосида ҳисобга олинади;

- ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар махсус ҳисоб-китоб асосида ҳисобга олинади;

- ем-хашак харажатлари «Ем-хашак сарфлаш қайдномаси» (94-шакл) асосида ҳисоб-китоб қилинади;

- дори-дармонлар, тўшаш материалларининг сарфи махсус далолатномалар асосида ҳисобга олинади;

- бошқа турдаги ишлаб чиқариш харажатлари тегишли ҳужжатлар асосида ҳисобга олинади.

Чорвачилик тармоғида етиштириладиган маҳсулотлар турли тумандир. Уларнинг асосийлари гўшт, сут, жун, тухум, гўнг, насл ҳисобланади. Айнан ушбу чорвачилик маҳсулотлари ва уларни етиштиришга доир ишлар харажатлар объекти, мос равишда, калькуляция объекти ҳисобланади.

Чорвачилик маҳсулотлари кирими қуйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади:

1. Сут соғиш ҳисоби журнали ((112-шакл) ва сут ҳаракати қайдномаси (114-шакл) - ушбу ҳужжатлар асосида сигирларни соғишдан олинган сутнинг кунлик ҳисоби ферма мудирлари томонидан юритилади.

2. Молларни сўйиш қайдномаси (100-шакл) ва накладнойлар –молларни сўйишда комиссия томонидан тузилади.

3. Жунни қирқиш ва крим далолатномаси (116-шакл) – жун қирқиш пайтида комиссия томонидан тузилади.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кирими кундалиги (81-шакл) – асал, пилла, балиқ ва бошқа маҳсулотлар бўйича юритилади.

5. Тухумларни қабул қилиш ва саралаш далолатномаси ((109-шакл).

6. Туғилган молларни қабул қилиш далолатномаси (95-шакл).

7. Моллар вазнини тортиш қайдномаси (98-шакл).

8. Тирик вазннинг ўсишини аниқлаш ҳисоб-китоби (98 а-шакл).

Чорвачилик ишлаб чиқариши харажатларининг синтетик ҳисоби 2020 «Асосий ишлаб чиқариш счётлари» тизимида олиб борилади. Ушбу счётлар тизимида чорвачилик соҳаларига қараб турли счётларни ишчи счётлар режасида очиш мумкин, масалан: 2021 «Қорамолчилик»; 2022 «Қўйчилик»; 2023 «Паррандачилик» ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби чорвачилик соҳаларининг йўналишларига кўра юритилади. Масалан, 2023 «Паррандачилик» счёти бўйича қуйидаги аналитик счётларни очиш мумкин: тухум; гўшт ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари счётларининг (2021, 2022, 2023) дебетида ҳақиқатда қилинган харажатлар акс эттирилади. Бунда, мос равишда харажатларнинг моддаларига кўра қуйидаги ёзувлар қилинади:

Дебет 2021,2022,2023 Кредит 1010-1090 - материал харажатларига;

Дебет 2021,2022,2023 Кредит 1110 – ўстиришда ва боқувдаги ўлган

молларнинг қийматига;
Дебет 2021,2022,2023 **Кредит** 6710 - меҳнат ҳақи харажатларига;
Дебет 2021,2022,2023 **Кредит** 6520 - ижтимоий суғурта харажатларига;
Дебет 2021,2022,2023 **Кредит** 6510 - молларни суғурталаш харажатларига;
Дебет 2021,2022,2023 **Кредит** 6010,6990 - иш, хизмат харажатларига;
Дебет 2021,2022,2023 **Кредит** 2310 - ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобдан чиқарилишига;
Дебет 2021,2022,2023 **Кредит** 2510 - умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобдан чиқарилишига.

Ишлаб чиқариш харажатлари счётларининг кредитида ҳисобот йили давомида олинган маҳсулотлар режа таннархи бўйича акс эттирилади, яъни унга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 2810 **Кредит** 2021,2022,2023.

Ҳисобот йили охирида чорвачилик ишлаб чиқаришининг ҳар бир соҳаси бўйича етиштирилган маҳсулотларнинг режа таннархи ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ сўммалари ҳисоб-китоб қилинади.

Режа таннарх ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ сўммаси барча маҳсулотлар бўйича қуйидагича топилади:

$$Тф = (Тх - Тр) \times Мц$$

Бу ерда:

Тф – бир бирлик маҳсулот режа ва ҳақиқий таннархлари ўртасидаги фарқ сўммаси;

Тх – бир бирлик маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи;

Тр – бир бирлик маҳсулотнинг режа таннархи;

Мц – етиштирилган маҳсулотнинг миқдори.

Режа таннарх ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ сўммаси мос равишда ишлаб чиқариш харажатлари счётларида «қизил ёзув» ёки «қўшимча ёзув» усуллари бўйича акс эттирилади. Бунда режа таннархи ҳақиқий таннархдан юқори бўлган ҳолларда «қизил ёзув» усули, режа таннархи ҳақиқий таннархдан паст бўлганда эса «қўшимча ёзув» усулидан фойдаланилади.

Қизил ёзувлар ёки қўшимча ёзувларни қайси корреспонденцияланадиган счётларга берилишини аниқлашда олинган маҳсулотларнинг тўлиқ сотиб юборилганлиги, ишлатилганлиги ҳамда омборда тайёр маҳсулот сифатида сақланаётганлиги эътиборга олиниши керак. Чунончи, олинган наслнинг режа таннархи ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ сўммалари бевосита 1110 «Ўстириш ва боқувдаги моллар» счётига, тўлиқ сотиб юборилган маҳсулотлар бўйича режа таннарх ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ сўммалари бевосита 9130 «Сотиш таннархи» счётига, қисман сотилган маҳсулотлар бўйича ушбу фарқ уларнинг сотилган ва омборда сақланаётган қисмларини акс эттирувчи счётлар ўртасида тақсимланиши лозим.

Бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шаклида чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қуйидаги маҳсус реестрларда юритилади:

-«Ҳисобот даври харажат (сарф)ларини ҳисобга олиш қайдномаси»;
 -«Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси».

Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики 2016 йилда АЖ “AGALIK LOHMANN PARRANDA” ҚҚнинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб:

- тухум ишлаб чиқариш, шу жумладан, инкубацион, Д1, Д2 ва майда тухумлар;

- парранда гўшти;

- тирик товуқ, шу жумладан, она товуқ, жўжалар.

2016 йилда АЖ “AGALIK LOHMANN PARRANDA” ҚҚда МЧЖ шаклидаги “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказилган. Аудит ўтказиш режаси ва дастури бўйича харажатлар ҳисоби ҳам аудитдан ўтказилган. Текшириш натижалари керакли иловалар билан тасдиқланган. Умумлаштирилган ҳолда унинг натижалари қуйидаги маълумотнома шаклида келтирамиз (жадвал-5).

Жадвал-5

**АЖ “AGALIK LOHMANN PARRANDA” ҚҚда 2016 йилда
харажатлар счётлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви
натижалари тўғрисида МАЪЛУМОТНОМА**

(минг сўмда)

Т/р	Счёт	Кўрсаткич номи	Корхона маълумотлари бўйича	Текшириш маълумотлари бўйича	Четланиш (+,-)
1	2010	Асосий ишлаб чиқариш (промзона)	7152862	7152862	0
2	2040	Инкубация харажатлари	5656695	5656695	0
3	2050	Жўжа харажатлари	6617436	6617436	0
4	2090	Она товуқ харажатлари	6329820	6329820	0
5	2030	Сўйиш цехи харажатлари	299408	299408	0
6	9110	Сотилган маҳсулот таннари	28477137	28199942	277195
7	9410	Сотиш харажатлари	100472	100472	0
8	9420	Маъмурий харажатлар	85504	85504	0
9	9430	Бошқа операцион харажатлар	2300086	2318546	-18460

10	9610	Фоииз кўринишидаги харажатлар	3567097	3567097	0
11	9620	Валюта курс фарқлари бўйича харажатлар	2805880	2805880	0
12	9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	0	0	0
13	9810	Фойда солиғи	0	258735	-258735

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016 йилда фақат 3 та счёта бўйича корхона ва текшириш маълумотлари ўртасида четланишлар аниқланган (9110, 9430, 9810). Четланишлар нотўғри бухгалтерия ёзувлари оқибатида пайдо бўлган. Аудитор ўз ҳисоботида ушбу четланишларни тузатишни тавсия этган.

2.3. Паррандачилик ишлаб чиқариш харажатлари аудитини такомиллаштириш

Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ўзини оқлаган «Директ-костинг» тизимини Республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳам жорий этиш йўли танланган.

«Директ-костинг» тизимининг моҳияти шундан иборатки, бунда жами харажатлар доимий ва ўзгарувчан қисмларга ажратилади ва маржинал даромад миқдори аниқланади. Ушбу тизимда маҳсулотлар таннархи фақатгина тўғри (ўзгарувчан) харажатлар чегарасида аниқланади. Маҳсулотларни сотишдан келган пул тушуми билан уларнинг харажатлар бўйича таннархини таққослаш натижасида хўжаликнинг маржинал даромадини аниқлаш мумкин. Маржинал даромаддан доимий харажатларни айириш орқали хўжалик маҳсулот сотиш натижасида олган соф фойда аниқланади. Ушбу услубнинг моҳияти қуйидаги чизмаларда ифодаланган.

Маржинал-костинг услубини республикамиз қишлоқ хўжалигига жорий этиш натижасида етиштирилаётган маҳсулотларнинг реал, аниқ ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш имкони пайдо бўлди. Бу молиявий ҳисоб учун жуда зарурдир. Лекин бошқарув ҳисоби учун бу услубнинг маълумотлари этарли эмас. Чунки бошқарув ҳисоби учун фақатгина ишлаб чиқариш таннархи эмас, балки тўлиқ танарх кўрсаткичи ҳам зарур. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида харажатларни янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун уларнинг бошқариш самарадорлигини оширишда абзорбшн-костинг услубини қўллаш мақсадга мувофиқди. Ушбу услубнинг моҳияти шундан иборатки, унда барча харажатлар маҳсулотнинг тўлиқ таннархини шакллантиради. Маҳсулот харажатлари ва таннархини ўрганиш бошқарув ҳисобининг муҳим бўлимларидан биридир.


Меҳнат ва моддий кўринишидаги тўғри харажатлар бевосита аниқ бир маҳсулот ёки хизмат турига оид бўлиши, умумишлабчиқариш харажатлари маҳсулот турига қараб фақат махсус усуллар ёрдамида тақсимланиши мумкин.

Харажатларни тақсимлаш - қилинган харажатларнинг аниқ бир харажат объектига бориш жараёнидир.

Харажатлар объекти – ташкилий бўлинма, шартнома ёки бошқа ҳисоб бирлиги бўлиб, у бўйича харажатлар ҳақидаги маълумотлар йиғилади ва жараёнлар, маҳсулот, шу капитални қўйиш лойиҳаси ва ҳоказолар қиймати ўлчанади.


2.4-чизма

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархи объектлари




2.5-чизма


Харажатларни тақсимлашнинг маржинал-костинг услуби



Харажатларни тақсимлашнинг абзорбшн-костинг услуби



Маҳсулотлар таннархларини ҳисоблашда таъкидланган маржинал-костинг ва абзорбшн-костинг услублари асосида турли хилдаги усуллар қўлланиши мумкин. Ушбу усуллар 2.6-чизмада ифодаланган.



Ушбу усулларнинг ижобий томонларини бошқарув ҳисоби тизимида маҳсулотлар таннархларини ҳисоблаш жараёнида татбиқ этиш зарур.

Харажатларни тақсимлашнинг муҳим категорияси бўлиб, харажатлар маркази ҳисобланишини яна бир бор таъкидламоқчимиз.

Харажатлар маркази – ташкилий бирлик ёки фаолият соҳали бўлиб, у эрда активлар хариди учун қилинган чиқимлар ва харажатлар ҳақида ахборот тўплаш мақсадга мувофиқдир.

- Барча харажат гуруҳлари бошқарув эчимларини қабул қилишга мўлжалланган. Бошқарув ҳисобида харажатлар икки асосий объект гуруҳлари бўлинмалар ва маҳсулотлар бўйича тақсимланиши керак. Ушбу жараён икки босқичда амалга оширилади:

- харажатлар жавобгарлик марказлари бўйича тўпланади;
- харажатлар муайян бригадада этиштираётган аниқ маҳсулот таннархига тақсимланади.

Тайёр маҳсулот таннархини ҳисоблашда қуйидаги усулларга мурожаат қилишади: ҳамма харажатларни ҳисобга олган ҳолда харажатларни калкуляция қилиш ёки уларнинг бир қисми бўлган ўзгарувчан харажатларнигина ҳисобга олиб, калкуляция қилиш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ҳолатига асосли баҳо бериш учун барча аниқланган хатоликлар ва четланишларни қайд қилиш бўйича махсус ишлов берувчи қайднома тузиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қайдномада қуйидаги кўрсаткичлар назарда тутилиши лозим: операция мазмуни, ҳужжатнинг номи, тузилган санаси ва рақами, суммаси, счётлар корреспонденцияси, изоҳлар. Изоҳларда аудитор камчиликларни тузатиш бўйича хулосалар ва асосланган таклифларни ёзади.

Аудиторлик текшируви тажрибаси шундан далолат берадики, (шу жумладан “Оҳалик-Ломман-Парранда” АЖда ўтказилган доимий аудиторлик текширувлари) энг кўп учрайдиган хато ва камчиликларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- айрим бошланғич кирим ҳужжатларини йўқлиги ёки уларни белгиланган талаблардан четланиб расмийлаштирилганлиги;

- айрим турдаги харажатларни маҳсулот таннархига нотўғри олиб борилиши;

- тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини нотўғри баҳоланиши;

- харажатларни ҳисобот даврлари бўйича нотўғри чегараланиши;

- қўлланилаётган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва харажатларни тақсимлаш методи корхона ҳисоб сиёсатига акс эттирилганлигига мувофиқ эмаслиги;

- айрим турдаги харажатларни маҳсулот таннархига асоссиз киритилиши.

Ушбу хато ва камчиликларни инобатга олиб, уни бартараф этиш корхонада ҳисоб юритишни ва ички назорат тизими сифатини яхшилайти ҳамда келгусида навбатдаги аудит ўтказиш самарадорлигини оширади.

3-боб. ПАРРАНДАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАННАРХИ АУДИТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1 Чорвачилик маҳсулотлари таннархини аниқлаш усуллари

Чорвачиликдан олинган маҳсулотлар асосий ва ёрдамчи маҳсулотларга бўлинади.

Чорвачилик тармоғида асосий маҳсулот деганда чорвачиликнинг ихтисослашган соҳасини юритишда олинishi бош мақсад қилиб олинган маҳсулот тури тушунилади. Чунончи, қорамолчиликда бош маҳсулот бўлиб гўшт, сут, насл (бузоқ), ўсган вазн ҳисобланади. Паррандачиликда тухум ва парранда гўшти бош маҳсулот ҳисобланади. Қўйчиликда бош маҳсулот бўлиб олинган қўзи ва жун ҳисобланади.

Чорвачилик соҳасида ёрдамчи маҳсулот деганда асосий маҳсулот билан бир вақтда олинадиган, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали маҳсулот тушунилади, масалан гўнг, пат, қил, тери ва бошқалар.

Чорвачиликда унинг ҳар соҳаси, бу соҳаларнинг алоҳида йўналишларида калькуляция объекти турли маҳсулотлар ҳисобланади. Қуйида чорвачиликнинг айрим соҳа ва йўналишларида маҳсулот таннархини аниқлаш усуллари ва тартибига тўхталамиз.

Сут йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик. Сут йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик соҳасида калькуляция объекти сут ва насл (бузоқ) ҳисобланади. Бу соҳада таннархни калькуляция қилиш бирлиги 1 центнер сут ҳамда бир бош насл (бузоқ) ҳисобланади. Ушбу маҳсулотларнинг таннархини икки усулда аниқлаш мумкин:

1-усул – шартли маҳсулот таннархи орқали ҳисоблаш усули.

2-усул – ҳар бир маҳсулот таннархини индивидуал ҳисоблаш усули.

1-усул собиқ совет даврида энг кенг тарқалган усул эди. Унга мувофиқ сут йўналишидаги қорамолчиликда сут асосий маҳсулот, насл (бузоқ) эса сутга тенглаштирилладиган шартли маҳсулот, деб қаралар эди. Олинган насл (бузоқ) 1,5 коэффицентда шартли маҳсулотга, яъни сутга тенглаштириллар эди. 1 центнер сут ва 1 бош наслнинг таннархини аниқлаш учун ушбу усулда дастлаб сут йўналишидаги қорамолчиликка сарфланган жами ҳақиқий харажатлардан олинган ёрдамчи маҳсулотлар (гўнг ва бошқалар)нинг қиймати чегириб ташланади. Шундан сўнг, топилган ҳақиқий харажатлар сутга айлантриб олинган маҳсулотнинг шартли бирликдаги миқдорига бўлинади ва шу йўл билан 1 центнер сутнинг таннархи топилади. 1 центнер сутнинг таннархига асосланган ҳолда кейин 1 бош наслнинг қиймати баҳоланади.

Сут йўналишидаги қорамолчиликда асосий маҳсулот бўлган сут ва насл (бузоқ) таннархининг 1-усулга мувофиқ ҳисоб-китоб қилиш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқайлик. **Мисол.** *Фермер хўжалигининг сут йўналишидаги асосий подасини боқили ва парваришлаш харажати 32505 минг сўм. Йил мобайнида олинган маҳсулотлар: сут 1200 ц, бузоқлар – 40*

бош, гўнг 310 т ва қил – 0,3 ц. Бир тонна гўнгнинг режа таннархи 4000 сўм, бир центнер қилнинг режа таннархи 50000 сўм.

Юқоридаги шартли маълумотлар асосида қуйидаги ҳисоб-китобларни қиламиз.

(1) Ёрдамчи маҳсулотнинг жами режа таннархи 1255 минг сўм ($310 \cdot 4000 + 0,3 \cdot 50000$).

(2) Калькуляция қилинадиган шартли маҳсулот (сут)нинг миқдори 1260 центнер ($1200 + 40 \cdot 1,5$).

(3) Бир центнер сутнинг таннархи 24,8 минг сўм $[(32505 - 1255) / 1260]$.

(4) Жами бузоқларнинг таннархи 1488 минг сўм ($60 \cdot 24,8$).

(5) Бир бош бузоқнинг таннархи 37,2 минг сўм ($1488/40$).

Сут йўналишидаги қорамолчиликдан олинган сут ва бузоқнинг таннархини аниқлашнинг 2-усули ҳозирги пайтда республикада кенг қўлланилмоқда. Бу усулга мувофиқ олинган сут ва бузоқ таннархини аниқлашг учун дастлаб сут йўналишидаги қорамолчиликка сарфланган жами ҳақиқий харажатлар (ёрдамчи маҳсулотлар қиймати чегирилган ҳолда) аниқланади. Шундан сўнг жами ҳақиқий харажатларнинг 10 фоизи бузоқ таннархига, қолган 90 фоизи сут таннархига олиб борилади. Юқорида келтирилган мисолдаги маълумотлар асосида ушбу усулга кўра сут ва бузоқ таннархи қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

(1) жами ишлаб чиқариш харажатлари – 32505 минг сўм;

(2) таннархни ҳисоблашда чегириб ташланадиган ёрдамчи маҳсулотнинг қиймати 1255 минг сўм ($310 \cdot 4000 + 0,3 \cdot 50000$);

(3) таннархни ҳисоблашга асос қилиб олиннадиган ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатлари 31250 минг сўм ($32505 - 1255$);

(4) сутнинг жами таннархи 28125 минг сўм ($31250 \cdot 90 \%$);

(5) бузоқларнинг жами таннархи 3125 минг сўм ($31250 \cdot 10 \%$);

(6) 1 ц сутнинг таннархи 23,4 минг сўм ($28125 / 1200$);

(7) 1 бош бузоқнинг таннархи 78,1 минг сўм ($3125 / 40$).

Йирик шохли қорамоллар болалари ҳамда боқувдаги молларни келгусида парвариш (ўстириш)га сарфланган харажатларни ҳисоб-китоб қилишда калькуляция объекти уларнинг ўсган вазни ва тирик вазни ҳисобланади.

Ҳисобот йилида молларнинг ўсган вазнини (Ўв) уларнинг ҳар бир ҳисоб гуруҳи бўйича қуйидаги арифметик қурилма асосида топиш мумкин:

$$\text{Ўв} = (\text{Вдо} + \text{Вч}) - (\text{Вн} + \text{Вк} + \text{Вдб})$$

Бу ерда:

Вдо – гуруҳга кирувчи моллар бошининг ҳисобот даври охиридаги жами тирик вазни;

Вч – гуруҳга кирувчи молларнинг ҳисобот даврида чиқимга олинган бошининг жами тирик вазни (ўлган молларнинг тирик вазнисиз);

Вн – ҳисобот даврда олинган наслнинг (мол болаларининг) тирик вазни;

Вк – ҳисобот даврда четдан ўстириш ва боқувга кирим қилинган молларнинг тирик вазни;

Вдб – ҳисобот даври бошига жами мавжуд молларнинг тирик вазни.

Гуруҳга кирувчи молларнинг 1 центнер ўсган вазнининг таннархи шу гуруҳга кирувчи молларни парваришlash ва ўстиришга қилинган ишлаб чиқариш харажатларидан ёрдамчи маҳсулотлар (гўнг ва қил) қиймати чегириб ташлагандан сўнг қолган сўммани ҳисобот даврида гуруҳ бўйича аниқланган ўсган вазн миқдорида бўлиш орқали топилади.

Гуруҳга кирувчи моллар бўйича 1 центнер тирик вазннинг таннархи (Ттв) қуйидаги арифметик қурилма ёрдамида аниқланади³:

$$Ттв = \frac{Тдббқ + Тўб. + Тк + Тн}{Твдо + Твч}$$

Бу ерда:

Тдббқ – гуруҳга кирувчи молларнинг давр бошидаги баланс қиймати;

Тўб – ҳисобот даврида гуруҳга кирувчи молларни ўстириш ва парваришlash харажатлари (ёрдамчи маҳсулотлар қийматисиз)

Тк – ҳисобот даврда четдан кирим қилинган молларнинг қиймати;

Тн – жорий йилда олинган насл (мол болалари)нинг қиймати;

Твдо – давр охирига гуруҳга кирувчи молларнинг жами тирик вазни;

Твч – ҳисобот даврида чиқимга олинган молларнинг жами тирик вазни (ўлган молларнинг тирик вазнисиз).

Ўстириш ва боқувдаги моллар бўйича 1 ц ўсган вазн ва 1 ц тирик вазн таннархини юқорида келтирилган арифметик қурилма асосида калькуляция қилиш тартиби 13.2-жадвалда келтирилган.

13.2-жадвал

Ўстириш ва боқувдаги моллар бўйича 1 ц ўсган вазн ва 1 ц тирик вазн таннархи калькуляцияси

Кўрсаткичлар	Қорамоллар сони	Тирик вазн, ц	Таннарх, Минг сўм
1. Йил бошига қолдиқ	45	45	26400,0
2. Ҳисобот йилида олинди:	46	20	11878,0
*насл	40	5	1488,0
*ўсган вазн	-	15	7790,0
*четдан олинди	6	4	2600,0
3. Жами (1+2)	91	65	38278,0
4. Чиқим:	16	24,3	14134,0
*асосий подага ўтказилди	10	15	8834,0
*сотилди ва бошқа чиқимлар	5	9	5300,0
*ўлди	1	0,3	-
4. Йил охирига қолдиқ	75	40,7	24144,0
5 Таннарх:			

³ Гуруҳга кирувчи молларнинг тирик вазни уларнинг ҳар бирини торозида тортиш йўли билан аниқланади ва махсус далолатнома билан расмийлаштирилади.

*1 ц тирик вазн			588,90
*1 ц ўсган вазн			519,30

13.2-жадвалдан кўриниб турибдики, 1 центнер тирик вазннинг таннархи 588,9 минг сўмни (38278,0 / 65), 1 ц ўсган вазннинг таннархи 519,3 минг сўмни (7790,0 / 15) ташкил этган. Гуруҳга кирувчи моллар чиқимининг қиймати, мос равишда, (1) асосий подага ўтказилган ёш моллар бўйича 8834,0 минг сўмни (15*588,90), (2) сотилган ва моллар бўйича 5300,0 минг сўмни (9*588,9) ташкил этган.

Гўшт йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик. Гўшт йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик соҳасида калькуляция объекти бўлиб ўсган вазн, 8 ойгача бўлган бузоқлар ва тирик вазн, шунингдек 8 ойдан ошган ёш моллар ҳамда боқувдаги йирик моллар бўйича уларнинг ўсган вазни ва тирик вазни ҳисобланади.

8 ойгача бўлган бузоқлар бўйича 1 ц ўсган вазннинг таннархи қуйидаги кетма-кетликда ва тартибда аниқланади.

(1). Асосий пода (сигирлар ва хўкизлар), 2 ёшдан ошган буқа ва боқувдаги молларни боқиш ва парваришlash, шунингдек 8 ойгача бўлган бузоқларни парваришlashга кетган жами харажатлар (ёрдамчи маҳсулот қиймати чегирилган ҳолда) топилади.

(2). 8 ойгача бўлган бузоқларнинг ҳисобот даврида ўсган вазни топилади.

(3). Юқоридаги тартибнинг 1-бандида топилган жами сўмма 8 ойгача бўлган бузоқларнинг ўсган вазнига бўлинади. Шу йўл билан топилган сўмма 8 ойгача бўлган бузоқлар бўйича 1 ц ўсган вазннинг таннархини ташкил этади.

8 ойгача бўлган бузоқлар бўйича 1 ц тирик вазннинг таннархини аниқлаш учун дастлаб асосий подага кетган сарф-харажатларга (ёрдамчи маҳсулот қиймати чегирилган ҳолда) ушбу гуруҳга кирувчи бузоқларнинг ҳисобот йили бошидаги баланс қиймати ҳамда четдан олинган бузоқларнинг қиймати қўшилиб уларнинг жами қиймати топилади. Топилган сўммани йил охиридаги 8 ойгача бўлган бузоқлар ҳамда ҳисобот йилида чиқим бўлган (ўлганлардан ташқари) бузоқларнинг жами вазнига бўлиш орқали 1 ц тирик вазннинг ўртача таннархи аниқланади. Ушбу ўртача таннарх жами 8 ойгача бўлган бузоқларнинг жами қиймати, шунингдек эмизқили бузоқларнинг ҳисобот йили охиридаги қийматини аниқлашга асос бўлади.

8 ойдан ошган ёш моллар ҳамда боқувдаги йирик моллар бўйича уларнинг ўсган вазни ва тирик вазнининг таннархи ҳам юқоридаги тартибга ўхшаш тарзда аниқланади.

Қўйчилик. Қўйчиликда калькуляция объекти асосан ўсган вазн (гўшт), тирик вазн, қўзи, жун ҳисобланади. Асосий маҳсулотнинг таннархи соҳага қилинган жами ишлаб чиқариш харажатларидан ёрдамчи маҳсулотлар (гўнг, ўлик туғилган ва туғилгандан кейин ўлган қўзилар териси, техник мақсадларда ишлатилган ўлган мол гўшти) қийматини айиргандан кейин қолган сўммадан иборат бўлади. Ушбу сўмма олинган маҳсулотлар ўртасида уларнинг сотиш баҳоси қийматидаги ҳиссасига қараб тақсимланади.

Мисол: Гўшт, жун ва кўзи йўналишига ихтисослашган фермер хўжалигининг жами харажатлари 285500 минг сўм. Олинган маҳсулотлар: (1) ўсган вазн (гўшт) 400 ц; жун 100 ц; олинган кўзилар сони 500 бош. Сотиш ҳажми (сотиш баҳоларида): гўшт - 30000 минг сўм; жун -20000 минг сўм; кўзи -3750 минг сўм.

Юқоридаги мисолда келтирилган шартли маълумотларга асосан кўйчиликдан олинган маҳсулотлар таннархининг ҳисоб-китоби 13.3-жадвалда келтирилган.

13.3-жадвал

Кўйчилик соҳасида маҳсулот таннархини аниқлаш ҳисоб-китоби

Маҳсулот тури	Ўл- чов бир- лиги	Мах- сулот сони	Махсу- лот- ларни сотиш баҳо- лари- даги қиймати, минг сўм	Махсу лот- нинг сотиш ҳажми даги ҳисса- си, %	Ишлаб чиқари харажат- лари, минг сўм	Бир бирлик маҳсулот таннар- хи, минг сўм
Гўшт	ц	400	300000	92,7	264658	661,6
Жун	ц	100	20000	6,2	17701	177,0
Кўзи	бош	500	3750	1,1	3141	6,28
Жами	-	-	323750	100,0	285500	-

13.3-жадвалдан кўриниб турибдики, ўсган вазн (гўшт)нинг жами таннархи 264658 минг сўмни ($285500 \cdot 92,7\%$), 1 центнер гўштнинг таннархи 661,6 минг сўмни ($264658 / 400$), жун етиштиришга сарфланган жами харажатлар 17701 минг сўмни ($285500 \cdot 6,2\%$), 1 центнер жуннинг таннархи эса 177 минг сўмни ($17701 / 100$), кўзи етиштиришнинг жами таннархи 3141 минг сўмни ($285500 \cdot 1,1\%$), олинган 1 бош кўзининг таннархи 6,28 минг сўмни ($3141 / 500$) ташкил этган.

Паррандачилик. Паррандачиликда ишлаб чиқаришнинг турли йўналишлари ҳамда босқичларига қараб турлича асосий маҳсулотлар олинади. Чунончи, тухум йўналишидаги паррандачилик ишлаб чиқаришининг биринчи босқичида 1 кунлик жўжа, иккинчи босқичида боқувдаги жўжаларнинг ўсган вазни, кейинги босқичида эса олинган тухум асосий маҳсулот ҳисобланади. Мос равишда, ушбу маҳсулотлар таннархи калькуляция қилинади.

1 кунлик жўжаларнинг таннархи инкубацияга қўйилган тухумлар қиймати ҳамда инкубация харажатлари (меҳнат ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, электр энергияси, иситиш ва бошқа турдаги харажатлар) биргаликда олинган сўммадан ёрдамчи маҳсулот қийматини чегириб ташлагандан сўнг қолган сўмmani олинган 1 кунлик жўжалар сонига бўлиш орқали топилади. Мисол учун, фермер хўжалиги 21 кундан иборат инкубацион даврга қўйилган 50000 дона тухумдан 49500 дона 1 кунлик жўжа олган, инкубацион цехнинг жами харажатлари жами 20500 минг сўмдан

иборат бўлган дейлик. У ҳолда 1 дона бир кунлик жўжанинг таннархи ўртача 414 сўмни (20500/49500) ташкил қилади.

Бир кунлик жўжалар кирим қилинган кундан бошлаб, то 4-5 ойгача ўстириш ва боқувдаги моллар гуруҳига киритилади. Ушбу даврда калькуляция объекти ўсган вазн ҳисобланади. Ўсган вазннинг таннархини топиш учун ўстириш ва боқувдаги товукларга сарфланган харажатлар (ёрдамчи маҳсулотлар қиймати чегирилган ҳолда) сўммаси ҳисобот даврида ўстириш ва боқувдаги товукларнинг ўсган вазни миқдорига бўлинади.

Ўстириш ва боқувдаги товукларнинг тухум берувчи товуклар гуруҳига ўтказилган кундан бошлаб калькуляция объекти тухум ҳисобланади. Бир бирлик тухум таннархини топиш учун тухум берувчи товуклар гуруҳига сарфланган жами ишлаб чиқариш харажатлари (гўнг, пат, қанот қиймати чегирилган ҳолда) жами йиғиштириб олинган тухумлар сонига бўлинади.

Асаларичилик. Асал йўналишидаги асаларичиликда калькуляция объекти асал, асалари уяси, асалари сути, янги оила каби асосий ва ёндош маҳсулотлар ҳисобланади. Ушбу маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишда уларнинг барчаси белгиланган коэффициентларда шартли маҳсулотга (асалга) ўтказилади. Шундан сўнг барча турдаги шартли маҳсулотларнинг жами шартли маҳсулотдаги ҳиссаси топилади. Ушбу ҳисса асосида асаларичиликка сарфланган жами харажатлар маҳсулотлар ўртасида тақсимлаб чиқилади. Ҳар бир турдаги шартли маҳсулот бўйича топилган харажат шу турдаги маҳсулотнинг олинган миқдорига бўлиниб, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи топилади.

Балиқчилик. Балиқчиликда калькуляция объекти балиқ ва балиқ болалари ҳисобланади. Ушбу маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишда уларнинг барчаси белгиланган коэффициентларда шартли маҳсулотга (балиққа) ўтказилади. Шундан сўнг барча турдаги шартли маҳсулотларнинг жами шартли маҳсулотдаги ҳиссаси топилади. Ушбу ҳисса асосида балиқчиликка сарфланган жами харажатлар маҳсулотлар ўртасида тақсимлаб чиқилади. Ҳар бир турдаги шартли маҳсулот бўйича топилган харажат шу турдаги маҳсулотнинг олинган миқдорига бўлиниб, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи топилади. Балиқ болаларига тўғри келадиган харажатлар балиқчилик соҳаси учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари сифатида келгуси ҳисобот даврига ўтказилади.

Чорвачилик деҳқончилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. У ихтисослашувидан қатъий назар, одатда ҳар бир хўжаликда бўлади. Бу тармоққа қорамол, чўчқачилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва шу кабилар тааллуқлидир.

Чорвачиликда ҳам харажатларни аудит қилиш объекти бўлиб бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва ҳужжатлари, чорванинг алоҳида турлари ва гуруҳларидир. Масалан, сутчилик йўналишидаги чорвачиликда харажат объектлари – асосий пода, ёш қорамол, бўрдоқига боқиладиган катта ёшли мол, гўшт йўналишида-асосий пода, ёш қорамол, саккиз ойликдан катта ёш қорамол ва бўрдоқига боқиладиган катта мол. Чўчқачиликда-асосий, 2

ойликдан 4 ойликкача бўлган чўчка болалари, 4 ойликдан катта чўчка болалари ва бўрдоқига боқилаётган чўчкалар ҳисобга олиш объекти ҳисобланади.

Чорвачиликда ишлаб чиқариш харажалари ва маҳсулотнинг чиқишини ҳисобга олиш бўлинмалари, фермалар, биргадирлар ва шу кабилар бўйича амалга оширилиши керак. Чорванинг тури ва гуруҳлари бўйича харажатлар қуйидаги калькуляция моддалари бўйича акс эттирилади:

1. Ижтимоий суғўрта ажратмалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

2. Ҳайвонларни ҳимоя қилиш воситалари.

3. Озуқа.

4. Иш ва хизматлар.

5. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари.

6. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш харажатлари.

7. Суғўрта тўловлари.

8. Бошқа харажатлар.

9. Чорванинг нобуд бўлишидан йўқотишлар.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга оид бухгалтерия ёзувлари озукани тақсимлаш юзасидан бошланғич ҳужжатлар – ведомостлар, табеллар, туғилган наслни кирим қилиш далолатномалари, ҳайвонларни тортиб кўриш ведомостлари ва шу кабилар асосида амалга оширилади.

Чорвачиликдаги харажатлар ва маҳсулотнинг чиқиши ҳақидаги маълумотлар кейин чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботида ҳамда чорвачилик маҳсулотининг чиқиш харажатларини ҳисобга олиш дафтарида кўрсатилади (18-АФ). Уларнинг якуний маълумотлари 10-журнал ордерга кўчирилади, ҳисобга олиш автоматлаштирилган шароитда тегишли машинаграммалар тузилади. Бу регистрларнинг ҳаммаси ўтган ойдаги харажатларни йил бошидан ўсувчи якунида қайт этади.

Чорвачиликда харажатларни ва маҳсулотнинг чиқишини ҳисобга олишда “Асосий ишлаб чиқариш” счётидан фойдаланилади. У, шунингдек, олинаётган маҳсулотнинг таннархини ҳисоблашга ҳам хизмат қилади. Счёт дебитида йил давомида бевосита (тўғри), йил охирида эса юқорида қайд этилган харажат моддалари бўйича билвосита (эгри) харажатлар кредитида маҳсулотнинг йил давомида режадаги таннархда чиқиши қайд этилади. Йил охирида, деҳқончиликда бўлганидаёқ, режадаги таннарх ҳақиқий таннархга етказилади. Дебитидаги сальдо эса тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини англатади.

“Чорвачилик” счёти бўйича ҳисоб юритишда харажатларни ҳисобга олиш тартибини кўриб чиқамиз. “Суғўрта ажратмалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари” моддасида йил давомида чорвага бевосита хизмат кўрсатишга банд бўлган ишчилар: , яъни операторлар, сут соғувчилар, бузоқ боқарлар, от боқарлар, чўпонлар ва шу кабиларнинг меҳнати ҳамда навбатдаги меҳнат таътилларига ҳақ тўлаш акс эттирилади. Бу

бевосита модда сўммасига “Чорвачилик” счёти дебет, “ходимлар билан меҳнатга ҳақи бўйича ҳисоблашлар” ва “ижтимоий суғурта бўйича ҳисоблашлар” ва бошқа счётлар кредитланади.

“Ҳайвонларни ҳимоя қилиш воситалари” моддасини текшираётганда аудитор, корхона маблағларига олинган биопрепаратлар, дори-дармонлар, дизенфекция қилиш воситалари ва шу кабиларни ҳарид қилиш ва сақлаш сарфлари, , шунингдек, улардан чорвачиликда фойдаланишга алоқадор харажатлар акс этирилганлигига эътибор қаратиши лозим. Бу моддага юқоридаги воситаларни анна шу мақсадларда бюджет маблағлари ҳисобига ҳал этилган қиймат киритилмайди.

“Озуқа” моддасидан сарфланган озуқанинг қиймати чорва тури ва гуруҳлари бўйича озуқани тақсимлаш ведомостлари асосида келтирилади. Бу ведомостларда ҳар йили чорва сони, озуқа номи ва миқдори қайд этилади. Ой якунида анна шу ведомостларда ҳайвонлар озуқа-кунлари сони ва натурада ҳамда озуқа бирлигига айланттирилган сарфланган озуқа миқдори, шунингдек, озуқа қиймати аниқланади. Бу маълумотлар кейинчалик озуқалар сарфини ҳисобга олиш журналида йил бошидан ўсувчи якунида ҳисобга олинади.

Озуқа цехлари ва озуқани олдиндан тайёрлаш бўйича харажатлар аввало “Чорвачилик” счётининг алоҳида аналитик счётида акс этирилади, сўнгра ҳар ойда сарфланган озуқалар миқдорига мўтаносиб тақсимланади. Бундай ҳолларда озуқаларга оид харажатлар сўммасига “Чорвачилик” счёти дебет “Уруғлар ва озуқа” счёти кредит қилинади.

“Иш ва хизматлар” моддасида ўз ёрдамчи ишлаб чиқаришлари томонидан чорвачиликка кўрсатиладиган иш ва хизматлар харажатлари ҳамда чет корхона ва ташкилотлар кўрсатадиган ана шундай хизматлар учун тўлов харажатларини акс этирилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ҳисобга олиш мазкур бобнинг 4- пунктида ёритилган.

“Асосий воситаларни сақлаш харажатлари” моддасини текшириш бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлашга алоқадор харажатлар киритилганлигини аниқлаш имконини беради. Бу харажатларнинг таркиби ва ҳисобга олишни деҳқончиликдаги анна шундай харажатларнинг таркиби ва ҳисобга олиниши деҳқончиликдаги ана шундай харажатларнинг таркиби ва ҳисобга олиниши билан бир хилдир.

Ҳайвонлар подасининг ўзига келсак, амортизация ажратмалари фақат иш ҳайвонлари бўйичагина ҳисобланади. Маҳсулдор ҳайвонлар ишлаб чиқарилганда уларнинг қиймати реализациядан тушган пулдан қопланади. Чорвачиликда амартизация ва асосий воситаларни тузатиш харажатлари ҳисобга олиш деҳқончиликдаги каби юритилади, фарқи фақат “Чорвачилик” счётининг дебет қилинишидадир.

Чорвачиликда ишлатиладиган асосий воситаларни сақлаш харажатлари одатда тўғридан тўғри тегишли чорва тури, гуруҳига ўтказилди. Чорвачилик биноларида ҳайвонларнинг бир неча гуруҳи

сақланганда бу харажатлар улар ўртасида банд қилинган бино майдонига мўтаносиб тақсимланади.

“Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш” моддаси бўйича ҳисобга олиш мазкур бобнинг 5-бандида акс эттирилади.

“Суғурта тўловлари” моддаси бўйича ҳисобга олиш тартиби деҳқончиликдаги кабидир, аммо бу ерда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари. Уй паррандалари, қуёнлар, мўйнали ҳайвонлар, асалари оилалари, , шунингдек,. Тегишли бинолар, ускунала, машиналар ва инвентарлар суғурта қилинади.

Бошқа харажатлар моддасидан фермалар атрофини тўсиш, ветеринария-санитария тадбирларини ўтказишга дахлдор бўлган дизенфекция тўсиқлари, санитария кўригидан ўтказиш жойлари ва шу каби объектларни тушама қиймати, сут соғувчи, чўчкабоқар, чорва ва паррандаларга қаровчи бошқа ходимларга берилувчи жомакорнинг эскириши, ҳайвонлар учун ёзги молхоналар, шу кабилар харажатлари қайд этилади. Бу харажатлар бевосита ҳайвонларнинг тегишли турларига ўтказилди.

“Чорва молларининг нобуд бўлишидан кўриладиган зарарлар” моддасидан ёш ва бўрдоқига боқилаётган катта ёшдаги мол, парранда, ёввойи ҳайвон, қуён, шунингдек, асалари оилаларининг нобуд бўлиши натижасидан кўриладиган зарарлар акс эттирилади. Айбдор шахслардан ундирилиб олинadиган қисми бу моддага киритилмайди. Табиий офатдан кўриладиган зарарлар бевосита “Якуний молиявий натижа” счётининг дебетида ўтказилади.

“Чорвачилик” счётида акс эттирилган бухгартерия ёзувларидан сўнг аналитик счётлар бўйича айрим чорва тури ва гуруҳлари бўйича йил давомида уларга тегишли счётнинг кредитида эса йил давомида ўсувчи якунида етиштирилган ва олинган чорва маҳсулотининг режадаги таннархи акс эттирилади ва қуйидаги счётлар билан кореспондентцияланади: “Тайёр маҳсулот” счётининг дебети – чорвачилик маҳсулоти қийматига, “Ўстиришда ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар” счётининг дебети ёш мол ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвон, , шунингдек, туғилган ҳайвонлар боласининг қийматига, “Асосий ишлаб чиқариш” счётининг дебети - далага ташиб чиқилган гўнг қийматига.

Йил охирида маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи аниқланди ва ҳақиқий ҳамда режадаги таннархи ўртасидаги аниқланган фарқ қўшимча бухгалтерия ёзуви орқали тўғирланади, агарда ҳақиқий таннарх режадаги таннархдан паст бўлса, тескари ёзув ёки режадаги таннарх ҳақиқий таннархдан паст бўлса оддий қўшимча ёзув қилинди.

Чорвачилик маҳсулоти бирлиги таннархини калькуляция қилиш тартиби. Бу соҳада ҳам асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулот фарқланади. Чорвачиликда калькуляция объектлари алоҳида маҳсулот турлари, чорва боласи, тирик вазнининг ортган оғирлиги ҳисобланади.

Чорваликда харажатларининг аналитик ҳисоби маҳсулот турлари бўйича эмас, балки чорва тури ва гуруҳлари бўйича юритилади.

Чорванинг бир тури ёки гуруҳидан икки ва ундан кўпроқ маҳсулот тури олинганда уларнинг таннархи белгиланган тартибда аниқланади.

Чорва паррандаларни боқиш учун йил давомида сарф қилинган харажатларни текширганда аудитор, йил бошидаги уларга тегишли тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини қўшиб, йил охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқаришни чегириб чорва маҳсулотларининг таннархи аниқланганлигига эътибор бериши лозим. Тирик вазнининг таннархи-ҳисобот йили бошидаги боқувда ва ўстиришдаги ҳайвонлар ва паррандалар қийматига йил давомидаги уларни боқиш ва ўстириш харажатлари, четдан асосий подадан боқувга ўтказилган ҳамда ҳисобот йилида туғилган ҳайвон болалари қийматларини қўшиб, уларнинг тирик вазнига бўлиши асосида аниқланади. Унда нобуд бўлган чорва ва паррандаларнинг қўшилган вазни ҳамда боқувга қўйилмасдан сўйилган ёки сотилган катта ёшли ҳайвонлар вазни ҳисобга олинмайди. Гўнг харажатлари муайян шароитларда меъёрий харажатлардан молхоналарни гўнгдан тозалаш ва уни йиғиштириш харажатлари гўнгхонадан гўнгни олишда ишлатиладиган машиналарнинг амортизация ажратмалари. Гўнгни чиқариш ва сақлаш сарфлари ва тушама қийматига кўра, аниқланади.

Таннархни ҳисоблашда ҳар бир турдаги ёш ва катта ёшдаги ҳайвонлар гуруҳлари бўйича чорва паррандалар тирик вазнининг йил давомида ортиши, йил охирига қолдирилаётган чорвани у ёки бу турининг тегишли гуруҳи сонининг тирик вазнини қўшиб, ҳосил бўлган миқдоридан йил давомида бу гуруҳдан боқишга ўтказилганларнинг тирик вазни, шунинг шу гуруҳда йил бошида бор бўлган чорва сонининг тирик вазнини чегириб аниқланади.

3.2. Паррандачилик маҳсулотлари таннархи аудити

Аудитор ишлаб чиқилган аудит режаси ва дастурига асосан белгиланган кетма-кетликда паррандачилик маҳсулотлари таннархи аудитини амалга ошириши зарур:

- маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган харажатларни тўғри классификация қилиниши (асосий ва устама), маҳсулот таннархига қўшиш усули бўйича (тўғридан -тўғри ва бошқа тартибда), таркиб бўйича (бир элементли ва комплекс, ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан (шартли-ўзгарувчан ва шартли-доимий), вужудга келиш даврийлиги бўйича (жорий ва бир вақтнинг ўзида);
- яроқсиз маҳсулот ва тўхтаб қолиш вақтидаги йуқотишларни тўғрилиги;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришни тўғри аниқланганлиги;
- билвосита (эгри) харажатларни тўғри тақсимланганлиги;
- харажатларни ҳисобга олиш усуллари тўғри қўлланилганлигини ва маҳсулот таннархини тўғри калькуляция қилинганлиги;
- калькуляция қилинадиган объектларни тўғри ажратиб олинганлиги;

- маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг калькуляция моддалари бўйича тўғри танланганлиги;
- ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисобини тўғри юритилганлиги;
- харажатларни ҳисобга олиш усулларини тўғри қўлланилганлиги ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг ҳисобот даврлари бўйича тўғри чегараланишини текшириш;
- ишлаб чиқариш харажатлари бўйича бухгалтерия проводкаларини тўғри тузилганлиги;
- аналитик ва синтетик ҳисоб ёзувларининг баланс счетлари 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2110 «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари», 2610 «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар», 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» ёзувларининг Бош китоб ва балансда тўғри акс эттирилганлиги.

Калькуляция қилишда харажатларни элементлар бўйича классификация қилиш катта аҳамиятга эга. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар, уларнинг иқтисодий мазмунига кўра беш элемент бўйича гуруҳларга бўлинади:

1. ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
2. ишлаб чиқариш характериға эға бўлган меҳнатға ҳақ тулаш харажатлари;
3. ишлаб чиқаришға тегишли бўлган ижтимоий суғуртаға ажратмалар;
4. асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятиға эға бўлган номоддий активлар амортизацияси;
5. ишлаб чиқариш аҳамиятиға эға бўлган бошқа харажатлар.

Мазкур калькуляция таннарх структурасини аниқлашға имкон беради. Аудитор харажатларни тўғри классификация этилганлигини элементлар бўйича текшириши зарур.

Хўжалик юритувчи субъектларда тайёрланаётган материаллар ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизматлар)нинг ҳақиқий таннархини аниқлаш билан бирға аввал уларнинг режа таннархи ҳам аниқланади.

Режа калькуляциялари корхона бизнес – режасини таркибий қисми бўлиб, моддий –техника таъминоти режаси, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ва бошқа кўрсаткичлар режаларни тузиш билан бир пайтда тузилади. Режа калькуляцияларини тузишда харажатларнинг илғор норма ва нормативларға ҳамда иқтисодий тежамкорлик тамойилиға амал қилинади.

Ҳисобот (ҳақиқий) калькуляцияси белгиланган давр ўтгандан сўнг ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосланиб тузилади. Калькуляциянинг маълум объектиға тегишли харажатлар аналитик ҳисоб ёрдамида жамлаб чиқилади.

Ҳисобот (ҳақиқий) калькуляциялар маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришға ҳақиқатда қилинган харажатларни ҳисоблаш бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари бўйича тузилади ва ҳақиқатда ишлаб чиқарилган

маҳсулот ёки бажарилган ишларнинг таннархини кўрсатади. Ҳақиқий калькуляцияда маҳсулот таннархига режадан ташқари ишлаб чиқаришга дахли бўлмаган 9 модда бўйича харажатлар ҳам киритилади. Паррандачиликдаги ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби паррандаларнинг турлари ва ёшига қараб очиладиган аналитик ҳисобларда қуйидаги харажатлар моддалари бўйича юритилади:

1. Меҳнат ҳақи харажатлари ижтимоий суғурта ажратмалари билан бирга, одам/ соат, сўм;
2. Озуқалар, озуқа бирлиги, сўм;
3. Паррандаларни ҳимоя қилиш воситалари, сўм;
4. Ишлар ва хизматлар, сўм;
5. Асосий воситаларнинг сақлаш харажатлари, сўм;
6. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари, сўм;
7. Суғурта тўловлари, сўм;
8. Бошқа харажатлар, сўм;
9. Паррандаларни яроқсизликка чиқариш ва ҳаром ўлишдан келиб чиқадиган йўқотишлар, сўм.

Санаб ўтилган барча 9та модда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади.

Таннархни калькуляция қилиш турли усулларда амалга оширилади. Калькуляция қилиш усулини танлаш ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси, ишлаб чиқариш даврийлигининг узунлигига.

Чорвочилик корхоналарида, шу жумладан парранданчиликда норматив, буюртмали, босқичли ва жараёнли (оддий) харажатларни ҳисобга олиш усули қўлланилади ва маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи калькуляция қилинади. Ҳисобга олиш усуллари таққослаш ва таннархни калькуляция қилиш махсус “Харажатлар ҳисоби ҳолатини текшириш бўйича” саволномада келтирилади ва аудиторлик рискига баҳо берилади.

Калькуляцияни тузаётганда бевосита ва билвосита харажатларни фарқлай билиш лозим.

Бевосита харажатлар деб калькуляциянинг маълум объекти билан боғлиқ бўлган ва шунинг учун шу объектнинг таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиладиган харажатларга айтилади.

Билвосита харажатлар деб калькуляциянинг бир неча объектларига тегишли харажатларнинг аташ қабул қилинган: бундай харажатларни бу объектлар ҳар бирининг таннархига қўшиш учун уларни билвосита йўл билан тақсимлашга тўғри келади.

Таннархни калькуляция қилишнинг мақсади товар-моддий захираларини топиш ва улардан тўла-тўқис фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш, маҳсулот таннархини камайтириш, самарадорликни ошириш, сотишдан кўпроқ фойда олишни кўзлаб тажриба оритириш ва илмий изланишларни амалга оширишдан иборатдир.

Таннархни калькуляцияси аудити қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш маҳсулотларини режали, ҳақиқий таннархини аниқлаш йўлларини ўрганади. Биринчилар қаторида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан пахта, сабзавот, полиз маккажухори, ғалла, ем-хашак экинлари, гўшт, сут маҳсулотлари, от-ўлов, транспорт хизматлари, умумий овқатланиш корхоналари таомлари таннархи калькуляцияси коэффицент ва меъёрлар асосида ҳисоблаш йўллари батафсил ўрганилади.

Айниқса, паррандачилик маҳсулотлари таннархи калькуляцияси муҳим ўрин эгаллайди. Паррандачиликда таннарх ҳисоблаш объектлари бўлиб: асосий подадаги паррандаларни сақлаш, парваришлаш харажатлари, қўшимча вазн ва суткалик жўжалар ҳисобланади. Минг дона тухум ва паррандаларнинг бир центнер қўшиладиган вазнининг таннархи паррандаларни сақлаш ва парваришлаш харажатларидан қўшимча маҳсулот (пат, гўнг) қиймати чегириб ташланиб, қолган сумма тегишли маҳсулот (тухум, қўшиладиган тирик вазн) миқдорида бўлиш йўли билан топилади.

Суткалик жўжани таннархи инкубацияга доир барча харажатлардан (тухумлар қийматини ҳам қўшган ҳолда), қўшимча маҳсулотлар қиймати чегириб ташланиб, қолган сумма соғлом жўжалар миқдорида бўлиш йўли билан аниқланади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда) (хомашё, ёнилғи, энергия, материаллар, ишлаб чиқариш ишлари). Мазкур элементда акс этилган моддий ресурсларнинг нархи, уларни сотиб олиш нархига кура (НДСни ҳисобга олмаган ҳолда) ва қўшимча нарх (надбавка) шаклланишини аудитор билиши муҳимдир. Моддий ресурсларнинг баҳосига шунингдек корхонанинг идиш ва ураш материаллари, етказиб берувчиладан олинган моддий ресурслар, қайта ишлатиш имконияти булган ҳолларда идишлар нархини чегириш, идишларга алоҳида нарх курсатилган ҳолларда, мазкур ресурслар нархидан ортик булган ҳолларда.

Аудитор моддий ресурсларга тугри нарх куйилганлигини текширади, , ташкилотнинг ҳисоб сиёсматида кура молиявий ҳисобни юритиш мақсадида буйруқ билан мустаҳкамланган баҳолаш усулларида кура таннархга кушиб ҳисобланганлигини аниқлайди.

Ишлаб чиқариш характерида эга бўлган меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари. Таннархнинг мазкур элементини текшириш жараёнида энг таркалган йул куйиладиган ҳатолардан бири харажатларнинг ишлаб чиқариш тамойилига амал қилмаслиқдир. Иш ҳақини ҳисоблаш бўйича бирламчи ҳужжатларни (табеллар, ҳисоб-тулов қайдномалари) текшириш жараёнида аудитор ходимларнинг асосий фаолият таннархига, бошқа соҳа фаолият турларида хизмат қилувчи (қурилиш, ижтимоий-маданий хизмат курсатиш ва х.к.) харажатларни киритилганлигини аниқлаши мумкин. Бунини аниқлаш кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счегининг кредит маълумотлари билан 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счегига олиб борилган ва иш ҳақи тулови қайдномаси натижаларининг иш ҳақини ҳисоблаш курсаткичларини такқослаш орқали аниқлаш мумкин.

Коидага кура, иш хакини ҳисоблаш якуний кайдномаси маълумотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг юритиш 2010 счет дебети маълумотларидан ортиқ бўлиши керак.

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар. Бу элементга Россия Федерацияси қонунчилиги билан белгиланган бюджетдан ташқари фондларга мажбурий туловлар нормаси бўйича туловлар киритилади. Ижтимоий заруриятга маблаг ажратиш тугрилигини текшириш жараёнида диққатни бюджетдан ташқари фондларга маблаг ажратилишининг манбаининг тугридан-тугри меҳнатга ҳақ тулаш фонди манбаига боғлиқлигига эътибор берилади. Аудитор тулов манбаи бадалларни тулаш манбаига тугри келишини, бу эса ёки таннаҳ, ёки хусусий воситалар бўлиши мумкинлигини билиши керак.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси. «Асосий воситалар» 6-сон БҲМСга кўра, корхона қуйидаги амортизация ҳисоблашнинг биронта усулини танлаши зарур:

- бир маромли (тўғри қизиқли) усул;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар) ҳажмига кура пропорционал ҳисоблаш усули;
- қолдиқни қамайтириб бориш (икки қаррали) усул;
- фойдали ишлатиладиган йиллар суммаси (кумулятив) усули.

Мазкур услубларнинг биронтасини танлаб олиб иш юритиш келиб чиқиши бир хил бўлган объектлар асосий воситаларнинг бутун фойдали ишлатиш муддати бўйича қулланилади. Объектлар асосий воситаларнинг бутун фойдали ишлатиш муддати объектнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинишида амалга оширилади. Объектлар асосий воситаларнинг бутун фойдали ишлатиш муддати бўйича амортизацияга ажратмалар корхона раҳбари томонидан қабул қарор бўйича (реконструкция ва модернизацияга қўйилган муддатидан ташқари) ва асосий воситалар бўйича корхона раҳбари томонидан ўч ойдан қўл муддатга консервация қилинишида тўхтатилади.

6-сон БҲМС талабларига кўра йиллик амортизация ажратмалари суммаси ва амортизация ҳисоблашлар усули қорхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати бўйича бухгалтерия ва солиқ ҳисоботини юритиш мақсадида маҳкамланиши зарур.

Ҳисобот йили давомида амортизация ажратмалари асосий воситалар ҳажмига кура ҳар ойда қулланиладиган ҳисоблаш усулига кура йиллик сумманинг 1/12 қисмида амалга оширилади. Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисоботининг ҳисоб даври бўйича ёритилади ва қорхонанинг ҳисобот давридаги фаолияти натижаларига боғлиқ бўлмасдан амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар. Мазкур элементга қуйидагилар киритилади:

- солиқлар, бадаллар, туловлар (шу билан бирга мажбурий сугурта қилиш турлари бўйича);

- сугурта захираларига (резервлар) туловлар ва ҳаракатдаги конунчилик билан белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа мажбурий туловлар ;

- чиқинди моддаларини ташлаш(окизиш) учун туловлар;
- ихтиро ва рационализаторлик таклифлар учун мукофотлаш;
- олинган кредитлар буйича фоиз тулаш учун килинган харажатлар;
- маҳсулотни сертификация қилиш ишлари буйича харажатлар;
- хизмат сафарига қилинадиган харажатлар;
- бошқа ташкилотларга, ёнгинга қарши ва қуриклаш хизматлари учун туловлар;

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга амалга ошириладиган харажатлар;

- қафолатланган таъмирлаш ва хизмат курсатиш буйича харажатлар;
- алоқа воситалари, ҳисоблаш марказлари, банк хизматларига туловлар;
- асосий воситалар объектлари (ёки уларнинг бир қисми) учун ижарага олинган мулклар учун туловлар;

- номоддий активлар буйича амортизация туловлари;
- маҳсулот таннархи таркибига қирадиган (ишлар, хизматлар), аммо юқорида келтирилган элементларга қирмайдиган бошқа харажатлар.

Харажатларни элементлари буйича тугри гуруҳлаштирилганлигини билгандан кейин аудитор маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи тугри калькуляция қилинганлигига баҳо бериши керак.

Калькуляция қилиш – бу маҳсулот (ишлар, хизматлар) тури буйича бирлигини таннархини ҳисоблашнинг иктисодий ҳисоблар тармоғидир. Калькуляция қилиш жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулотга қилинган харажатлар улчанади ва маҳсулот бирлиги таннархи белгиланади. Калькуляция қилишнинг асосий вазифаси реализация қилишга мулжалланган, шунингдек ички истеъмол учун бир дона маҳсулот (иш, хизмат)га тугри қелади харажатларни аниқлашдир.

Калькуляция қилишнинг якуний натижаси калькуляция тузишдан иборат. Калькуляция – бу маҳсулот тури бирлигининг ёки бутун товар маҳсулотининг таннархини аниқлаш. Калькуляция маҳсулот тури бирлиги буйича харажатларни гуруҳларга ажратиш усули сифатида ишлаб чиқаришнинг хоҳлаган босқичи жараёнида маҳсулот (иш, хизматлар) ҳар бир таннархни ташкил қилувчини аниқлаш имкониятини беради. Калькуляция тугри қилинганлигини текшириш харажатлар аудити таркибининг муҳим қисми ҳисобланади.

Аудитор билиши керак, харажатлар сарф этилиши гуруҳ моддалари буйича гуруҳларга ажратилади, уларнинг урни ва вужудга қилишдан ва ҳар бир маҳсулот турига тўғридан – тўғри (бевосита) ёки эгри (билвосита) усул буйича қиритилади. Харажатларнинг таркиби иктисодийнинг ҳар бир соҳаси буйича турли (ёки соҳалараро) йуриқномалар ва услубий тавсиялар билан аниқланади.

Режа буйича калькуляциялар маҳсулот ёки бажарилган ишлар, хизматларнинг режа даври (йил, ёки чорак) буйича уртача таннархини

аниклайди. Уларни тузишда режалаштирилган уртача хомашё, материаллар, ёкилги, энергия, меҳнат сарфи, қурилмаларни ишлатиш ва корхона бўйича ишлаб чиқаришга хизмат курсатиш нормалари бўйича сарф қилиш нормаларидан келиб чиққан ҳолда тузадилар. Режа калькуляцияси турларидан бири *смета калькуляцияси* маҳсулот ёки ишнинг нарҳини билиш учун, буюртмачилар билан ҳисоб-китоб қилиш ва бошқа мақсадлар учун ҳисобланади.

Норматив калькуляциялар ойнинг бошидаги хомашё, материаллар, ва бошқа харажатлар (жорий сарф нормалари) бўйича корхонанинг мазкур босқичдаги ишларида ишлаб чиқариш имкониятларига тугри қилиши бўйича ойнинг бошида тузилади. Йил бошидаги жорий харажатлар нормаси, режа калькуляцияси бўйича харажатлар уртача харажат нормаларидан юқори ва йил охирида аксинча паст.

Аудиторлик текшириш вазифаларидан бири - калькуляция усулини танлашнинг асосланганлиги.

Турли маҳсулот (иш,хизмат) тури таннархига у ёки бу харажатларни киритиш услуби тугридан тугри ва эгрига бўлинади.

Тугридан-тугри харажатлар – бу, бирламчи ҳужжатлар асосида маълум турдаги маҳсулот, иш, хизматлар (масалан, материаллар)га бўлган харажатлар.

Эгри харажатлар – барча турдаги маҳсулотларга, ишларга, хизматларга (масалан, ёритишга, иситишга ва х.з.) бўладиган харажатлар. Улар маҳсулотнинг (ишнинг, хизматнинг) таннархига қушилади умумий суммани аниқлаш вақтида ой тугагандан кейин бўлиб чиқиш йули орқали. Шундай қилиб, эгри(билвосита) харажатлар куп элементли бўлиб маҳсулотларнинг айрим турлари уртасида ҳисобга олиш сиёсатида асосан белгиланган бирон-бир курсаткича пропорционал тарзда бўлиб чиқилади.

Эгри(билвосита) харажатларни бўлиб чиқиш жараёни уч босқичдан иборат:

1. Харажатлар тааллуқли бўлган объектни танлаш;
2. Объектга қарашли харажатларни танлаш ва туплаш;
3. Харажатларни ҳисобга олиш объектига қарашли бўлган бўлиб чиқиш базасини танлаш.

Харажатларни бўлиб чиқиш базаси сифатида эгри(билвосита) харажатларга ҳос бўлган курсаткич танлаб олиниши керак. Харажатларни бўлиб чиқиш базаси одатда узок вақт давомида узгармасдан сақланади, чунки у ташкилотнинг ҳисоб-китоб сиёсатининг элементи бўлганлиги сабабли. Амалда эгри(билвосита) харажатларни соҳанинг узига ҳос хусусиятларига қура бўлиб чиқиш учун қуйидаги базалар қулланилади:

- ишлаб чиқариш ишчиларининг иш вақти (одам/соат);
- ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат ҳақи;
- усқуналар ишининг машина/соат миқдори;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;
- тугридан-тугри қилинган харажатлар;
- асосий материаллар қиймати;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми(натурал ёки суммада);
- ускуналарни саклаш ва ишлатиш бўйича смета (норматив) ставкаларига пропорционал тарзда бўлиб чиқиш.

Аудиторнинг вазифаси - ҳисоб сиёсатида мустаҳкамланган кулланилаётган эгри(билвосита) харажатларни бўлиб чиқиш усулининг тугрилигини тасдиқлашдир.

Аудиторлик амалиётида купинча бир неча фаолият турлари билан шугулланувчи (маҳсулотнинг бир неча турини ишлаб чиқарувчи), эгри(билвосита) харажатларни улар уртасида бўлиб чикмаслик ҳолати учрайди. Бу ҳолатда турли қуринишдаги маҳсулотлар таннархининг аниқ эмаслиги вужудга келади, реал молиявий натижалар яширилади.

Аудитор қорхона томонидан танланган таннархни калькуляция қилиш усулининг: ишлаб чиқариш ёки тўлиқ таннарх эканлигига диққатни жалб қилиши зарур. Биринчи вариантда ҳисобот даври давомида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда тугридан-тугри харажатлар ҳисобга олинади (2010 счёти «Асосий ишлаб чиқариш») ва устама харажатлар (2510 счёти «Умумишлаб чиқариш харажатлари»). Ҳисобот даври тугагандан кейин харажатлар калькуляция объектлари уртасида бўлиб чиқилади ва 2010 счётидан ҳисобдан чиқарилади, шундай қилиб ҳисобда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи шаклланади. Иккинчи вариант бўйича ишлаб чиқариш харажатларига 9400 «Давр харажатлари» суммаси қўшилса маҳсулотнинг тўла таннархи қилиб чиқади.

Аудитор ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг йиғма ҳисобини юритилишли тугрилигини текширади. Йиғма ҳисоб ишлаб чиқаришда яримфабрикатли ёки яримфабрикатсиз вариантлар бўйича юритилиши мумкин.

2016 йилда АЖ «AGALIK LOHMANN PARRANDA» ҚҚда МЧЖ шаклидаги «Комил-Ишонч» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказилган. Аудит ўтказиш режаси ва дастури бўйича ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархи ҳам аудитдан ўтказилган. Текшириш натижалари керакли иловалар билан тасдиқланган. Умумлаштирилган ҳолда унинг натижалари қуйидаги маълумотнома шаклида келтирамиз (жадвал-6).

Жадвал-6

АЖ «AGALIK LOHMANN PARRANDA» ҚҚда 2016 йилда ишлаб чиқарилган тухум таннархи бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари тўғрисида МАЪЛУМОТНОМА

(минг сўмда)

Харажат номи	Ўлчов бирлиги	Жами харажат			1000 дона тухумга		
		режа	ҳақиқатда	Фарқ(+,-)	режа	ҳақиқатда	Фарқ(+,-)
Иш ҳақи	минг сўм	571270,44	646071,5	74801,1	6,28	7,10	0,82
Ем харажатлари	минг сўм	26862445,84	24961188,8	1901257,0	295,30	274,40	-20,90

Амортизация	минг сўм	140088,61	135903,4	-4185,2	1,54	1,49	-0,05
ЁММ	минг сўм	0,00	5195,1	5195,1		0,06	0,06
Автотранспорт	минг сўм	280177,22	240554,3	-39622,9	3,08	2,64	-0,44
МТП	минг сўм	324750,87	82938,1	-241812,8	3,57	0,91	-2,66
Касаначилик	минг сўм	0,00		0,0		0,00	0,00
Электр энергия	минг сўм	843260,66	481803,9	-361456,8	9,27	5,30	-3,97
РММ	минг сўм	98243,96		-98244,0	1,08		-1,08
Сув таъминоти	минг сўм	54579,98	18743,6	-35836,4	0,60	0,21	-0,39
Дори дармонлар	минг сўм	845079,99	894238,2	49158,2	9,29	9,83	0,54
Нобуд бўлган парранда	минг сўм	1056122,57	1017109,6	-39013,0	11,61	11,18	-0,43
Жорий таъмир	минг сўм	24560,99	49320,0	24759,0	0,27	0,54	0,27
Ем цехи харажати	минг сўм	663146,73	316333,9	-346812,8	7,29	3,48	-3,81
МОП харажати	минг сўм	253796,90	136002,7	-117794,2	2,79	1,50	-1,29
Вет харажатлар	минг сўм	275628,89	137940,4	-137688,5	3,03	1,52	-1,51
Бошқа харажатлар	минг сўм	0,00	1664768,1	1664768,1		18,30	18,30
Жами харажатлар	минг сўм	32293153,65	30788111,6	1505042,1	355,00	338,46	-16,54
Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот	Дона		90966,63				

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики қўшма корхонада 2016 йилда 90966,63 минг дона тухум ишлаб чиқарилган. Жамият бўйича минг дона тухум таннархи режа бўйича 355 минг сўм бўлса ҳақиқий таннархи 338,46 минг сўм, яъни 16,54 минг сўмга пасайган. 18та калькуляция моддаларидан 11 тасида пасайишга эришилган жумладан, энг кўп пасайиш ем харажатлари моддаси бўйича, 7 та калкуляция моддаси бўйича таннархнинг кўпайишга йўл қўйилган, айниқса бошқа харажатлар моддаси бўйича. Бу модда бўйича қўшимча таҳлилни талаб қилади.

Таннархни бошқариш ва назорат қилиш бўйича жамият фаолиятини ижобий деб баҳоласа бўлади.

Жадвал-7

АЖ “AGALIK LOHMANN PARRANDA” ҚҚда 2016 йилда жўжа вазнини ўсиш таннархи бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари тўғрисида МАЪЛУМОТНОМА

(минг сўмда)

Харажат номи	Ўлчов бирлиги	Жами харажат			1 центнер вазн ошишига		
		Режа	ҳақиқатда	Фарқ(+,-)	Режа	ҳақиқатда	Фарқ(+,-)
Иш ҳақи	минг сўм	204879,3	193773,3	-11106,0	260,66	246,53	-14,13
Ем харажатлари	минг сўм	3062263,8	4072407,1	1010143,3	3896,00	5181,17	1285,17
Амортизация	минг сўм	160745,3	164311,8	3566,5	204,51	209,05	4,54
ЁММ	минг сўм	0,0	16671,9	16671,9		21,21	21,21
Автотранспорт	минг сўм	133093,7	83639,0	-49454,7	169,33	106,41	-62,92
МТП	минг сўм	153914,9	29144,3	-124770,6	195,82	37,08	-158,74
Жорий таъмир	минг сўм	15389,9	11502,0	-3887,9	19,58	14,63	-4,95
РММ	минг сўм	46735,7		-46735,7	59,46		-59,46
Иситиш харажати	минг сўм	0,0	2214,3	2214,3		2,82	2,82
Электр энергия	минг сўм	399941,4	170202,1	-229739,3	508,83	216,54	-292,29
Сув таъминоти	минг сўм	25867,3	6608,8	-19258,5	32,91	8,41	-24,50
Дори дармон	минг сўм	359045,7	416109,3	57063,6	456,80	529,40	72,60
Ем цехи	минг сўм	314581,6	108244,1	-206337,5	400,23	137,71	-262,52
МОП	минг сўм	120439,1	48036,0	-72403,1	153,23	61,11	-92,12
Вет хизмат харажатлари	минг сўм	130610,0	49167,9	-81442,1	166,17	62,55	-103,62
Бошқа харажатлар	минг сўм	0,0	4370,0	4370,0		5,56	5,56
Жами харажат	минг сўм	5127507,6	5376401,9	248894,3	6523,53	6840,19	316,66
Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот	кг		786,002				

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики кўшма корхонада 2016 йилда жами 786002 кг. товуқ гўшти ишлаб чиқарилган. Жамият бўйича 1 центнер вазн ўсиши режа бўйича 6523,53 минг сўм бўлса, ҳақиқий таннархи 6840,19 минг сўм, яъни 316,66 минг сўмга ошган. 16та калькуляция моддаларидан 10 тасида пасайишга эришилган жумладан, энг кўп пасайиш электр энергия харажатлари моддаси бўйича, 6 та калкуляция моддаси бўйича таннархнинг кўпайишга йўл қўйилган, айниқса ем харажатлари моддаси бўйича. Бу модда бўйича қўшимча таҳлилни талаб қилади.

Таннархни бошқариш ва назорат қилиш бўйича жамият фаолиятини ижобий деб баҳолаб бўлмайди. Бу ҳолатларни аудиторлар ўзининг ҳисобот ва хулосаларида акс эттирмаган.

Тугатилмаган ишлаб чикариш буйича хисоб ва баҳолашнинг тугри юритилишини текшириш. *Тугалланмаган ишлаб чикариш махсулотига,* ишлаб чикаришнинг барча боскичларидан утказилмаган махсулотлар киритилади, ва шунингдек барча комплементлари билан тупланмаган махсулотлар ва синовдан ва техник жихатдан синовдан утмаган махсулотлар киритилади.

Тугалламаган ишлаб чикариш колдиклари, корхонанинг хисоб сиёсатида мустахкамланган куйидаги услубларнинг бирини куллаб баҳоланади:

- а) ҳақиқий ишлаб чикариш таннархи (ишлаб чикаришни тайёрлаш, брактдан йукотишлар, бошка ишлаб чикариш йукотишларини камайтириб);
- б) норматив ёки режали ишлаб чикариш таннархи;
- в) тугридан-тугри харажатлар моддаси буйича;
- г) ишлаб чикаришда ишлатиладиган хом-ашё, материаллар ва яримфабрикатлар нархи буйича.

Тугалланмаган ишлаб чикаришни баҳолашнинг турли усуллари мавжуд: ҳақиқий оғирлигини тортиб олиш, доналаб санаш, хажмини улчаш, шартли хисоблаш ва х.к.. Оммавий ёки серияли ишлаб чикаришда тугалланмаган ишлаб чикариш колдиклари хисобот даврининг охирида норматив ёки режали ишлаб чикариш таннархи (тула ёки тула булмаган), харажатларнинг тугридан-тугри модалари буйича, шунингдек хомашёнинг, материалларнинг ва яримфабрикатларнинг нархи буйича баҳоланади. Тугалланмаган ишлаб чикаришни баҳолаш усуллари корхонанинг хисоб сиёсати буйича аникланади.

Ишлаб чикаришга килинган харажатлар аудити ва махсулот таннархини калькуляция килишнинг муҳим йуналишларидан бири тугалланмаган ишлаб чикаришни баҳолаш аниклиги тугрисидagi фикрнинг шаклланишидир.

Тугалланмаган ишлаб чикариш аудиторлик текшириш жараёнида куйидаги масалаларни урганиши зарур:

- хисоб-китобнинг ҳолати;
- инвентаризация уз вақтида утказилиши ва тугрилиги;
- инвентаризация натижаларининг тугри ёритилиши;
- тугалланмаган ишлаб чикариш белгиланган нормаларига амал килиш (агар улар корхонада тасдиқланган булса) ва унинг тугри баҳоланиши.

Аудиторлик амалиёти шуни курсатадики, тугалланмаган ишлаб чикариш инвентаризацияси купинча уз вақтида эмас ва сифатсиз утказилади, унинг натижалари бухгалтерия хисобида уз аксини топмаган. Бу эса таннархни асоссиз оширишга олиб келади, моддий кимматликлар сакланишини назорат килиш имконияти йук.

Агар корхонанинг хужалик фаолияти жараёнида олдин олган буюртмаларни тайёрлаш тухтатилган булса, аудитор колган моддий бойликлар ишлатилганлигини текшириши зарур, бунинг бухгалтерия хисоботида акс эттирилганлигини ва бекор килинган буюртмалар буйича курилган зарарни хисоблаши зарур. Шуни кайд килиш лозимки, ишлаб чикариш бекор килинган буюртмалари буйича харажатлар бошка харажатлар таркибига кушилади.

Текшириш охирида ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишда аудитор йул қуйилган хатоларнинг аҳамиятга моликлиги ва буларнинг ҳисобот аниқлигига қилган таъсири буйича ҳулоса чиқаради.

Аудит утказиш жараёнида тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисоб-китоби ҳолатини текшириши, уз вақтида ва тугри унинг инвентаризацияси утказилганлигини текширади ва баҳолайди, ҳатосиз инвентаризация натижаларининг ҳисоботда акс эттирилишини текширади. Аудитор, агар корхона яримфабрикатли вариантини қўлайдиган бўлса ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларнинг йиғма ҳисоб-китобини юргизадиган бўлса танлаб тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризациясини ўтказиши мумкин. Бу ҳолатда нархи баланд бўлган яримфабрикатлар текширилади. Агар текшириш жараёнида аҳамиятга молик четланишлар аниқланса (текшириладиган номенклатуранинг 5% ташкил қилса), унда утказиладиган инвентаризациялар юзаки тарзда утказилиши тугрисида ҳулоса чиқариш мумкин.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш тугри утказилганлигини тасдиқлаб, аудитор унинг ҳажмини натурал ва сумма буйича арифметик назоратини амалга оширади. Маҳсулот таннархини тугри ҳисобланганлигини баҳолаш харажатларни ҳисобга олишнинг йиғма қайдномаси маълумотларининг арифметик назорат қилиш йули билан амалга оширилади. Текшириш жараёнида аниқланган четланишлар аудиторнинг ишчи ҳужжатларида уз аксини топиши зарур ва ҳисобот курсаткичларига микдорий таъсир курсатиши аниқланади.

Аудитор тугалланмаган ишлаб чиқариш солиқ ҳисоботининг тугри юритилишини текширади.

Текширишни амалга ошириш жараёнида бухгалтерлик ҳисоботида ва солиқ ҳисоботида корхонанинг харажатларини ҳисобга олишда принципиал фарқлар инобатга олинганлиги аниқланади. Харажатларни киритиш асосланганлигини ва уларнинг солиққа тортилганлигини текширишда аудитор ЎЗР Солиқ Кодексига асосан амалга ошириши зарур.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ҳақиқий таннархини калькуляция қилишда йул қуйиладиган хатолар:

- маҳсулот таннархига бошқа манбаъларга мансуб (даромад, узок муддатли активларга иштирок этиш) харажатларни киритиш;
- ҳужжат билан тасдиқланмаган харажатларни маҳсулот таннархи харажатларига киритиш;
- маҳсулот (иш, хизмат) таннархини калькуляция қилишда арифметик ҳатоликларга йул қуйиш.

Аудиторни ишчи ҳужжатлари. Товар-моддий бойликларни(ТМБ) ишлаб чиқаришда рўйхатдан чиқариш операциясини текширишда аудиторнинг ишчи ҳужжатларини қуриб чиқамиз. Мазкур операциянинг маълумотлари қуйидаги сабабларга қўра катта босқичдаги ҳавф билан фарқланади:

а) ТМБ ларни санкция буйича хисобдан чикариш имконияти булмаган буюртмалар ва ишлаб чикариш хажмини ошириш корхонанинг харажатларини ошириш мақсадида ва мулкка булган солиқни камайтириш;

б) ТМБ ларни утирлаш имконияти;

в) амалга ошириладиган операцияларнинг хажми катталиги ва бирламчи хисобга олиш хужжатларининг катта хажмда эканлиги, исботловчи хужжатларнинг мавжуд эмаслигига олиб келади, ТМБ ларни санкциясиз хисобдан чикаришга олиб келади (хужжатга ҳуқуқий куч берадиган реквивитларнинг булмаслиги) хужжатларнинг йуқолиши;

г) ТМБларни хисобдан чикариш, фактларини бузиб курсатиш, маълумотларни туплаш ва руйхатга олиш босқичида хисоблашда ва огирлигини тортиб олишда йул куйиладиган техник хатолар натижасида.

Хисобга олинадиган мазкур участка хисобини кейинчалик текшириш учун аудитор бирламчи хисоблашлар маълумотларига ишонч билан таяниши учун (хусусан, текшириш жараёнида, счётлар корреспонденцияларининг туғри келиши, айланма маблағ суммаси ва хисоб регистрларида колдик суммаси, ишлаб чикарилган махсулот таннархига хисобдан чикарилган ва х.к.).

ТМБ хисобдан чикаришнинг сифатини кафолат берадиган бирламчи хужжатлар (3-жадвал).

3-жадвал

Савол (тест)	Жавоб			Аудиторнинг фикри
	Ха	Йук	Жавоб йук	
1.Товар-моддий бойликларни (ТМБ) бошка булимлар томонидан олишнинг маълум графиги мавжудми?				
2.Келгуси ойга белгиланган лимит буйича ТМБ берилиши буйича омбор ходимлари ва тегишли булимлар лимит-кабул килиш карталари (агар улар кулланилса) буйича уз вақтида оладиларми?				
3.ТМБ олувчиларни тарози хужалиги ва улчаш асбобларининг сифати кониктирадимми?				
4.Хамма вақт ТМБ олувчилар ишлаб чикаришга бериладиган махсулотни улчашда, кимматликларни кайта хисоблашда катнашадиларми?				
5. Кабул килувчи томонидан бирламчи хужжатларнинг «Хакикатда берилган» устуни тулдирилиши текшириладими ?				

Текшириш давомида корхонанинг функция юритиши мухити бирламчи хисобга олиш ва ташкилот ички назорати тахлили натижалари инобатга олинади, типик хатолар аникланади ва мазкур участкадаги четланишлар аникланади ва корхона раҳбариятига тавсиялар берилади ҳамда мазкур корхонада бирламчи хисобга олиш тармоги аниқлиги ҳамда аудитнинг кейинги босқичларини утказиш учун сифат ва аниқлик буйича хулоса берилади.

Мазкур участкадаги (бош хисобчи, моддий гуруҳнинг катта хисобчиси, омбор мудирлари, омбор ишчилари, ички назорат гуруҳи хизмати ходимлари

ва бошқалар) ички назорат тармогига баҳо беришда аудитор ходимлар уртасида утказилган суровлар натижасидан фойдаланиши керак. Аудитор курилайётган операцияларга нисбатан назорат муҳитига хос булган хавфларга баҳо беради, танлаб текшириш хажмларини аниқлайди, аудиторлик муолажалар таркибини ва мазкур участкадаги ҳисоб-китобни текшириш бўйича ишчи ҳужжатлар намуна шакллари аниқлайди.

Агар аудитор хомашё, материаллар ва яримфабрикатларни ишлаб чиқаришга берилишини ташкил этилиши самарадорлиги бўйича хавф билан қарайдиган бўлса, унда у хатога йул қуйишнинг қушимча муолажаларини ва ТМБ ишлаб чиқаришда берилиши бўйича хатога йул қуйишларни қушимча аниқлаши мумкин. Бунда аудитор (аудиторнинг ёрдамчиси) бухгалтерияга ТМБ ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқариш маълумотларини ҳар ойда талаб қилади ва хатолар куп учрайдиган, ёки куп сонли (сумларда) ТМБ қаторларини текширади. Бундан кейин бухгалтериянинг ишлаб чиқаришда ҳисобдан чиқариш бўйича маълумотлари худди шундай омборда юритиладиган ҳисоб маълумотлари билан таққосланади (4-жадвал).

4-жадвал

Бухгалтерия ҳисоботи бўйича маълумотларнинг омбор маълумотларидан аниқланган фарқ бўйича маълумотлар

Т/р	ТМБ қаторининг номланиши	Улчов бирлиги	Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича ҳисобдан чиқарилган	Омбор маълумотлари бўйича ҳисобдан чиқарилган	Фарқ	Тушунтириш
	2	3	4	5	6	7

ТМБ мазкур қаторига мулжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун (туғалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобга олинган ҳолда) ва ҳисобга олинган бухгалтер ҳисоби маълумотлари режа-иктисод ёки технологик бўлим, ёки мазкур иш аниқ буюртма бўйича, ТМБ норматив сарф қилиш нормативлари ҳисобланган сметага кура маълумотлари билан таққосланиши керак. Маълумотлар қуйидаги жадвал бўйича таққосланиши мумкин 5 –жадвал.

5-жадвал

ТМБ турлари бўйича фойзаларда фарқ қилиши туғрисидаги маълумотлар

Т/р	ТМБ қаторининг номланиши	Улчов бирлиги	Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича ҳисобдан чиқарилган	Режалаштирилган ҳаражат	Фарқ қилиш фойизи
	2	3	4	5	6

Аудитор текшириш жараёнида аникланган четланишлар фоизи буйича ва корхона томонидан белгиланган сарфланиши режа (норматив) курсаткичлари буйича ҳақиқий килинган харажатдан максимал фаркланиши имкониятларини тахлилини утказади.

Жадвал натижалари буйича аудитор вужудга келган четланишларни аниклайди. Агар фарк аникланмаса ёки унча аҳамиятга эга булмаса, унда ТМБ тугри, аник ва тула хисобдан чикарилиши тугрисида тасдиклаш мумкин эмас. Фаркнинг булмаслиги бухгалтер ва омбор уртасида доимий равишда таккослаш олиб борилишидан далолат беради. Агар жадвал маълумотлари буйича четланишлар аникланган булса ва улар аҳамиятга молик булса, аудитор четланишлар сабабини аниклаши керак. Бунинг сабаблари омбор билан таккослаш утказилмаслиги булиши мумкин ёки бирламчи хужжатларнинг йуколиши (хужжат айланмаси тармогидаги хатолар); ТМБ ларни хисобдан чикариш жараёнида сифатини узгартириш сабаб булиши мумкин.

Жадвал натижалари буйича аудитор куйидаги хулосаларни килиши мумкин: хар икки ишчи хужжатлар натижалари буйича фарк булмаса ёки улар жуда кичик булса, унда барча ТМБ хисобдан чикариш фактини тугри деб хисоблаш мумкин; агар жадвал 5 натижалари буйича оғинишлар булмаса, аммо омбор маълумотлари билан фарк килса, унда бирламчи хужжатларни кушимча таккослаш зарур; агар жадвал 4 фарк килмаса, жадвал 5 да эса четланиш анча аҳамиятга молик булса ёки ТМБ маълум қатори бухгалтерия хисоби буйича хисобдан чикарилган булса, режалаштирилган харажатда у булмаса, унда бу балки режа хисоблашларида хатога йул куйилганлигида, бухгалтерия томонидан ТМБ ларни мақсадли хисобдан чикариш ишлаб чикарилган махсулотнинг таннархини ошириш мақсадида ва олинган даромадларга ва мулкка булган солиқни камайитириш учун ТМБ ўғирланганлигини ёпиш ёки инвентаризация жараёнида аникланган ортикча ТМБ хисобдан чикариш учун килинганлигини боғлаш мумкин.

Аудитор вужудга келган четланишлар сабаби буйича масъулиятли ходимларнинг тушунтиришларини олиши, ва конунга хилоф равишда ТМБ ларни хисобдан чикариш ҳолларини аниклаганда текшириш далолатномасида буни акс эттириши ва корхона раҳбариятига буни маълум килиши зарур.

Хужжатларнинг айланиши графигига амал килиш буйича текшириш жараёнида аудитор жадвалда курсатилган ишчи хужжатида фойдаланиши мумкин.

Хисобга олиш регистрларида хужжатнинг туликлиги ва аниклигини руйхатга олишни текшириш муолажасини утказиш натижалари буйича текширишда 6-жадвалда курсатилган ишчи хужжатида фойдаланиш мумкин.

6-жадвал

Хужжатларнинг айланиши графигига амал килиш буйича текшириш
маълумотлари

T/p	Хужжат шаклининг коди	Хужжат айланиши графиги мавжудлиги (+/-)	Хужжат ҳаракатининг барча боскичларида бажарувчи графигидан кучирманинг мавжудлиги (+/-), шу ҳисобда қуйидаги боскичларда			
			яратилиш	текшириш	ишлов бериш	архивга топшириш
	2	3	4	5	6	7

7-жадвал

Хисобга олиш регистрларида хужжатнинг туликлиги ва аниқлигини руйхатга олишни текшириш муолажасини утказиш натижалари бўйича маълумотлар

T\ P	Хужалик муолажасининг номланиши, санаси, операциянинг асосий хусусиятлари (микдори, суммаси в ах.з.)	Ҳукукий кучга эга булган хужжатнинг мавжудлиги (раками, санаси)	Хисобга олиш регистрида руйхатга олинганлиги				Четланишлар, хулосалар, аудиторнинг таклифлари
			Операциян и кайси регистрда акс эттириш зарур	Кайси регистрда	Хисобга олиш регистрида хужжатнинг руйхатга олиниш санаси	Хисобга олиш регистридаги маълумотларнинг бирламчи хужжат маълумотлари тугри келиши	
	2	3	4	5	6	7	8

Корхона томонидан хужжатларнинг сақланиши ва ҳисоб-китоб бирламчи хужжатларга булган рухсатни текшириш жараёнида 8 жадвалда курсатилган ишчи хужжатида фойдаланиш мумкин.

8-жадвал.

Хужжатларнинг сақланишидаги ва ҳисоб-китоб бирламчи хужжатларга булган рухсат бўйича қуйилган хатолар ва қонунбузарликларни текшириш ва аниқлаш бўйича маълумотлар

Хужжатларнинг сақланишидаги ва унга булган рухсат тармогида йул қаутилган хатолар ва бузилишлар	Текширилаётган муолажага тааллуқли хато ва бузилишларнинг мавжудлиги(мавжуд эмаслиги) (+\/-)	Аудитор хулосалари, изоҳлари
1.ТМБларни ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган иш жойида хужжатдан фойдаланиш учун паролларнинг мавжуд эмаслиги		
2.Аниқ давр учун хужжатларнинг (ёки алоҳида хужжатларнинг) мавжуд эмаслиги		

3.Хужжатлар сакланишга тегишли тарзда расмийлаштирилмасдан берилиши		
4.Хужжатлар умуман сакланишга берилмайди ва бажарувчида сакланади		
5.Фойдаланиш муддати тугамаган хужжатларнинг йукотилиши		
6.Хужжатларни йукотиш буйича далолатнома тузилмасдан хужжатлар йукотилиши		

3.3. Паррандачилик маҳсулотлари таннархи аудитини такомиллаштириш

Мамлакатимизда кишлоқ хўжалигини оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш негизида ривожлантириш ҳамда самарадорлигини юксалтириш учун маълум миқдорда моддий, маблағ ва меҳнат сарфлар талаб этилади. Улар ёрдамида ишлар, хизматлар бажарилиб, турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади. Бундай сарфлар доимий ва ўзгарувчан харажатлардан иборат бўлади. Харажатлар иқтисодий элементлар, маҳсулот етиштириш технологик жараёнлари, муддатлари ва бошқа мақсадларга кўра туркумлаштирилади. Улар ялпи ва ўртача харажатлардан ташкил топади. Сўнгги йилларда ялпи ва ўртача харажатлар суммаси (миқдори) йил сайин ошиб бормоқда. Улар таркибида, айниқса, моддий-техника ресурсларига, озуқа материалларига йўналтирилаётган харажатларнинг салмоғи улкан.

Ялпи харажатларнинг ошиши натижасида маҳсулотлар бирлигининг таннархлари ҳам муттасил ортиб бормоқда. Келажақда ялпи ва ўртача харажатлар миқдорини камайтириш мақсадида тармоқдаги барча жараёнларни механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ошириб, маҳсулотлар сифатини яхшилашга эришиш лозим.

Ушбу усулларнинг ижобий томонларини бошқарув ҳисоби тизимида маҳсулотлар таннархларини ҳисоблаш жараёнида татбиқ этиш зарур.

Харажатларни тақсимлашнинг муҳим категорияси бўлиб, харажатлар маркази ҳисобланишини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Харажатлар маркази – ташкилий бирлик ёки фаолият соҳаси бўлиб, у эрда активлар хариди учун қилинган чиқимлар ва харажатлар ҳақида ахборот тўплаш мақсадга мувофиқдир.

• Барча харажат гуруҳлари бошқарув эчимларини қабул қилишга мўлжалланган. Бошқарув ҳисобида харажатлар икки асосий объект гуруҳлари бўлинмалар ва маҳсулотлар бўйича тақсимланиши керак. Ушбу жараён икки босқичда амалга оширилади:

- харажатлар жавобгарлик марказлари бўйича тўпланади;
- харажатлар муайян бригадада етиштираётган аниқ маҳсулот таннархига тақсимланади.

Тайёр маҳсулот таннархини ҳисоблашда қуйидаги усулларга мурожаат қилишади: ҳамма харажатларни ҳисобга олган ҳолда харажатларни

калькуляция қилиш ёки уларнинг бир қисми бўлган ўзгарувчан харажатларнигина ҳисобга олиб, калькуляция қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштиришда (ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда) бевосита қатнашадиган харажатларга қуйидагилар киритилмоқда:

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби.

- Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар, улар иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;

- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир сўмни оқилона, мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳаракат қилиш, яъни материал, пул ҳамда меҳнат харажатларини тежашга, шу орқали этиштириладиган маҳсулотларнинг, бажариладиган иш ва хизматларнинг таннархларини пасайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун:

-деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тадбиркорлик билан оқилона, самарали фойдаланиб, барча ишларнинг вақтида, сифатли бажарилишини таъминлашга;

-экинларнинг тезпишар, кам сув талаб қиладиган, юқори ҳосилли, самарали навларини, уруғчиликни, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини ҳаётга иложи борица кўпроқ татбиқ этишни таъминлаш;

-қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган саноат корхоналарининг нархлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўртасидаги номутаносибликни қисқартириш;

-харажатларни тежайдиган янги техника, инновацион самарали технологияларни жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирилганлик, автоматлаштирилганлик даражасини ошириб, жонли меҳнат сарфини қисқартириш;

-ирригация, мелиорация ва химизация билан боғлиқ бўлган масалаларнинг сифатли ва самарали бўлишини таъминлаш;

-меҳнатни ташкил этишнинг самарали шакллари ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

-экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигини оширишга эришиш лозим. Шу тадбирларни амалга ошириш натижасида харажатлар суммасини нисбатан қисқартириб, маҳсулотлар миқдорини

ошириб уларнинг бир бирлигини таннаrxини камайтиришга эришиш мумкин.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Аудитор ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби тизимининг ёппасига текширишини амалга оширади. Лекин, ушбу мақсадни бажариш учун ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар аудитини ўтказишдан олдин ишлаб чиқариш жараёни ва харажатлар ички назоратни заиф ва ижобий томонларини баҳолаш мақсадида дастлабки тафсилотни амалга ошириши лозим. Ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият харажатлари ҳолати ички назорати операциялари тўғрисида дастлабки маълумотларни олиш учун тест ўтказиши лозим. Аммо олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўтказилаётган аудиторлик текширувларида аудиторлар томонидан бундай тестлар ўтказилмайди.

Бундай тестлар ўтказилганда уларнинг натижаларига қараб корхона маъмурияти ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этилишига қандай муносабатга эга эканлиги аниқланади. Бу эса ўтказиладиган аудиторлик текширувларини самарадорлигини оширишга ва такомиллаштирилишига имконият яратади.

Паррандачилик харажатлари аудити аудитнинг бошқа объектлари каби ташкилий таъминоти ўз ичига 4 босқичдан иборат ишларни олади.

Мавзунинг мақсадидан келиб чиқиб, харажатлар бўйича аудиторлик текшируви режаси корхона фаолияти хусусиятидан ва харажатлар кўлами ва салмоғига қараб битта умумий ёки ҳар бир харажат гуруҳи тури бўйича, яъни ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар кесимида алоҳида-алоҳида тузилиши мумкин. Ушбу режаларда ҳар бир харажатлар тури бўйича аудиторлик далилларини тўплаш усуллари, жиддийлик ва риск даражалари, аудиторлик танлови усуллари белгиланади.

Худди шундай, мавзунинг мақсадидан келиб чиқиб, харажатлар бўйича аудиторлик текшируви дастури корхона фаолияти хусусиятидан ва харажатлар кўлами ва салмоғига қараб, битта умумий ёки ҳар бир харажат гуруҳи тури бўйича, яъни ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар кесимда алоҳида-алоҳида тузилиши мумкин. Ушбу дастурда ҳар бир харажат тури бўйича бухгалтерия бошланғич ва йиғма ҳужжатларини (масъул шахсларнинг ҳисоботлари) текширишга қаратилган амаллар, уларни бажарувчи аудиторлар ва уларнинг ёрдамчилари, амалларни бажариш натижасида шакллантириладиган иш ҳужжатлари белгиланади.

Олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатадики аудитни ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотлари унинг босқичларини тўла амалга оширишни чоратадбирларини кўрмайдилар. Жумладан: аудит ўтказишни режа ва дастурини юзаки тузадилар ёки ўтказилган аудитнинг тадбиқ қилиш масаласи ҳам айрим ҳолларда четда қолиб кетади. АЖ шаклидаги Ўзбекистон – Германия “Оҳалик-Ломман-Парранда” КК амалий материаллари мисолида олиб

борилган изланишлар шуни кўрсатдики, ушбу паррандачилик корхонасида ҳар йили мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилади. 2015 йил учун ушбу текширишни MCHJ “AFROSIOB AUDIT STANDART” аудиторлик ташкилоти ўтказган. Аудиторлик ҳисоботи таркибида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннарҳини калькуляция қилиши номли қисми энг асосий ўрин олиши лозим эди, аммо у ушбу ҳисоботда ўз ифодасини топмаган. Шундан келиб чиқиб, ушбу субъектларда аудит сифатини ошириш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Барча ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннарҳини калькуляция қилиш- ҳисобнинг ва аудитнинг энг асосий объекти эканлиги, маҳсулот таннарҳи эса унинг энг биринчи даражадаги сифат кўрсаткичи эканлиги;

2. Аудитор корхонада аудит текширувини бошлаганда биринчи навбатда корхонада ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисоби тизими баҳо бериш учун:

а) “Харажатлар ҳисоби ҳолатини текшириш бўйича” саволнома тузиб аудиторлик рискга баҳо бериши лозим;

б) Корхонада харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннарҳини калькуляция қилишда қайси усулдан фойдаланган: норматив, буюртмали, босқичли, жараёнли (оддий). Аудитор бу усулларни таққослаб кўриши лозим.

3. Аудитор харажатларнинг йиғма ҳисоби тўғри олиб борилганлигини текшириши лозим. У яримфабрикатли ёки яримфабрикатлисиз вариантларда олиб борилиши лозим.

4. Текширилган корхоналар бўйича аудиторлик ҳисоботда асосан солиқ ва тўловлар аудити бўйича маълумотлар бор. Лекин, паррандачилик корхонасини ҳисобини асосий узагини харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннарҳини калькуляцияси ташкил этади. Аммо, аудиторлик ҳисоботларида бу объектлар бўйича деярли маълумот мавжуд эмас. Шу сабабли, корхона фаолиятини яхшилаш бўйича тавсия қилинган таклифлар ҳам етарли деб бўлмайди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган акциядорларни ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини мукамал жорий этсак, корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини тўғри ва ишонарли юритиш, акциядорларга дивиденд тўлаш тизими, қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, корхоналарнинг молиявий барқарорликка эришиши ҳамда мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг самарали фаолият юритишида хизмат қилади.

Магистрлик диссертацияси ҳажмида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар қилишга асослар юзага келди. Бу хулоса ва таклифлар Магистрлик диссертациясининг 2 боб 3 парagraфида ҳамда 3 боб 2 параграфларида ўз ифодасини топган. Бу қилинган хулоса ва таклифлар амалиётда ўз ифодасини топса, хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилаётган аудиторлик текширувларида жорий этилса ва барча

аудиторлик ташкилотларида қўлланилса олиб борилаётган амалий ишларга ўз нфодасини топади ва ўзказилаётган аудиторлик текширувларнинг самарасини ва сифатини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.- 76 б
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. Т.: Норма. 2016 йил. 13 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил. 26 май. (Янги таҳрир). Т.: Норма. 15.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси”. 1995 йил 21 декабрда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан). Т.: Норма. 15.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ Кодекси”. 2008 йил 24 апрелда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан). Т.: Норма. 15.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 15 феврал.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2699-сонли Қарори.
9. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони. Ўзбекистон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори, 2007 йил 4 апрел, № ПҚ-615.
11. “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида” Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори билан тасдиқланган.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори. 2000 йил 22 сентябр, № 365.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Қорхоналардаги ички аудит

хизмати тўғрисида Низом». – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 42 (230)-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримовнинг «Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириши ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларни ўз вақтида келиб тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1998 йил феврал.

III. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

16. Каримов И.А. 15 йилда иқтисодий-саноат таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” //Халқ сўзи, 15 йил, 17- январг сони. №11(6194).

17. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз-жамиyatимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат.”//Халқ сўзи. 05.12.15.

18. Каримов. И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.-Т.: “Ўзбекистон”, 2012. -338 б

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалар

19. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак”.-Т.:Ўзбекистон.2017.

20. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”.-Т.:Ўзбекистон.2017.

21. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз ”.-Т.:Ўзбекистон.2017.

22. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз ”.-Т.:Ўзбекистон.2017.

23. Мирзиёев Ш.М. “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси” 2017.

V. Халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва қўмиталари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

24. Ўзбекистон Республикаси 15-сон БҲМС "Бухгалтерия баланси" ЎЗР МВ томонидан 12.03.2003 й. 45-сон билан тасдиқланган, АВ томонидан 20.03.2003й 1226-сон билан рўйхатдан ўтказилган

25.21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» Ўз.Р.Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23-октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

26. Ўзбекистон аудиторларининг касбга оид ахлоқ Кодекси. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгашининг 2005 йил 26

августдаги 9-сон ва Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси Кенгашининг 2005 йил 25 июндаги 3-сон қарорлари билан тасдиқланган.

27. 3-сон АФМС “Аудитни режалаштириш”. ЎзР. АВ томонидан 1999-йил 10-ноябрда рўйхатга олинган. № 837.

28. 9-сон “Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги” АФМС. ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 сентябрда 813-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

29. Ўзбекистон Республикаси 14-сон АФМС “Аудиторлик танлаш” ЎзР АВ томонидан 03.09.1999 й. 815-сон билан рўйхатдан ўтказилган

30. 70-сон АФМС “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси”. ЎзР. АВ томонидан 2001-йил 10-мартда рўйхатга олинган, № 1016

VI. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

31. “Аудит” (дарслик). Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш.И. ва бош. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. Иқтисодиёт, 2010. – 456 б.

32. Тулаходжаева М.М., Илхомов Ш.И. ва бош. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012. – 184 б.

33. Файзиев Ш., Каримов А. Аудит. Учебное пособие. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. – 328 с.

34. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Дарслик. –Т.: “Тошкент”, 2011. - 56 б.

35. Уразов К.Б. Худойбердиев Н.У. Солиқлар ва бошқа тўловлар аудитининг хусусиятлари. Дарслик. Самарқанд 2012 й 11 июн. – 300 б 100та нусхада чиққан, Сам ДЧТИ нашр Матбаа марказида чоп етилган

VII. Қўшимча адабиётлар

36. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: Иқтисодиёт, 2010. -281 б.

37. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

38. Хайдаров Р., Файзиев Ш. Внутренний аудит. Уч. Пособие. – Т.: “Иқтисодиёт-Молия”, 2013. – 212 с.

Дустмуродов Р. Аудит асослари. Дарслик. Т.

VIII. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

39. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами. 2016. Статистик тўплам.- Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2016.- 343 б.

40. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон тараққиёти ва халқ фаравонлигини ошириш истиқболлари” илмий-амалий анжуман. Маърузалар тўплами. — Т.: ТДИУ, 2011.-420 б.

IX. Интернет сайтлари

41. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикасининг давлат портали.
42. <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
43. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг сайти.
44. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ҳужжатлари сайти.
45. <http://www.soliq.uz> – Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг сайти.
46. <http://www.norma.uz> – Халқаро меҳнат ташкилотининг сайти.
47. <http://www.google.co.uz>
48. <http://www.buhgalteriya.ru>
49. <http://www.ziyonet.uz>

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2013.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2015.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонуни (янги таҳрир)- 2016 й. 13 апрел.
5. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2008 йил 26 сентябр.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисидаги ПҚ–615-сонли Қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисидаги ПҚ–907-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ–475-сонли Қарори;
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкани зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги 215-сонли Қарори;
10. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган 5-сонли «Аудит иши сифатини назорат қилиш» номли АФМС1999йил 4 август.
11. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Илом Каримовнинг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси 2016 йил 17 январ.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “ Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида “ти Низом.

14. И.А.Каримов “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Т.:Ўзбекистон 2013 й. 64 бет.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ Сўзи. 2017 йил 15 январ.

1. Асосий ва қўшимча адабиётлар.

16. Аудит. Том 2. ТДУ, ЎРБАМА. Т.: 2003.

17. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. Дарслик.-Т.: ТДУ, 2005.-368 б.

18. Внутренний аудит и контроль финансово-хозяйственной деятельности организации: Практическое пособие /А. В. Евдокимова, И. Н. Пашкина. — М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2010. — 208 с.

19. Ғуломова Ф.Г. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма.-Т.: НОРМА, 2012 -528 б.

20. Дўсмуратов Р.Д.Аудит. Ўқув қўлланма (И қисм). / Р.Д. Дўсмуратов, Ш. Файзиев. - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2008. - 178 с

21. Дўсмуратов Р.Д. Аудит. Ўқув қўлланма. (ИИ қисм)./ Р.Д. Дўсмуратов, Ш. Файзиев. - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2008. - 256 с

22. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 б.

23. Мусаев Х.Н Аудит. Дарслик, Тошкент, Молия, 2003 год, -220 б.

24. Подольский В. Аудит. Учебник. – М.: Изд. Юрайт, 2010 г. – 605 стр.

25. Пугачев В.В. Внутренний аудит и контроль. Организация внутреннего аудита в условиях экономического кризиса. Учебник. – М.: “Дело и Сервис”, 2010 г. – 224 стр.

26. Рузметов Б. ва бошқалар. Таннарх калькуляцияси. Ўқув қўлланма.-Т.: ИЛМ ЗИЁ, 2012.-232 б.

27. Сотникова Л.В. Оценка состояния внутреннего аудита: Практическое пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 144 стр.

28. Тулаходжаева М.М. «Аудит» (дарслик). Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. Иқтисодиёт, 2010 й. – 456-б.

29. Уразов К.Б Бухгалтерский учёт и аудит Учебное пособие 1 и 2 том. Самарканд, СамИСИ 2004 г.

30. **Уразов К.Б., Вахидов С.В.** Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011 – 445 б.

31. Хахонова Н.Н., Богатая И.Н. Аудит. Учебник. М.: КНОРУС, 2011.

32. Справочник по внешнему и внутреннему аудиту хозяйствующих субъектов на территории Республики Узбекистан. Т.: Библиотека газеты Норма, 2007 г.

33. Рафеев Д.Р., Мисиров Ф.Ф. “Паррандачилик ишлаб чиқариш харажатлари аудиторлик текширув тартиби” (СамИСИ, 2016 йил) 19-20 феврал. бетлар

34. Рафеев Д.Р., Мисиров Ф.Ф. “Паррандачилик субъектларида маҳсулот таннарни калькуляцияси аудити” (СамИСИ, 2017 йил). 17-18 феврал. бетлар

3. Интернет сайтлари

<http://www.accountingweb.com>

<http://www.ziyonet.uz>

<http://www.mf.uz>

<http://www.tfi.uz>

<http://www.lex.Uz>

ИЛОВАЛАР